

29
(1347)-son
20-iyul
2018

Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ

СОНДА:

ТАЪЛИМ ВА АКТ

Тизимда EMIS, NFS, ID-карта ва бошқа энг замонавий технологиялар жорий этилади **2-бет**

ОЧИҚ WI-FI ТАРМОҒИ:

Фойдаланувчи шахсининг тасдиқланиши манжбурий бўлди **3-бет**

РЕЙТИНГ

ТУИТ в десятке лучших вузов Узбекистана **6-бет**

НУҚТАИ НАЗАР

Ҳали ҳам шу финрдамисиз? Мен сизга қўшилмайман **7-бет**

БИЗНЕС

Жефф Безос 150 млрд. доллар билан энг бой инсонга айланди **11-бет**

ҲЕЛСИНКИ САММИТИ:

Путин билан Трамп Россия-Америка муносабатини ўзгартира олди...ми? **12-бет**

МУТОЛАА

Юрак (ҳикоя) **14-бет**

ЎЗБЕКИСТОНДА
ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ
ИЛК РЕЙТИНГИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Рейтинг доирасида
57та университет ва
институт ўрганилди.

Тошкент ахборот
технологиялари
университети

10-ўринда қайд этилди.

QS, ARWU, TIME каби
йирик рейтинг агентликлари
услуглари қўлланилди.



“АЛИБОБО”НИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАН ЙИГИТ

Фикримни “мамлакатимизда кўпгина имкониятлар яратилмоқда” жумлалари билан бошламоқчи эмасман. Балки “мамлакатимизда кўпгина имкониятлар яратилаётгани”дан унумли фойдаланаётган ҳаракатчан ёшлардан бирини сизга таништирмоқчиман. Суҳбатдошим талаба, тадбиркор, ташкилотчи, саёҳатчи, бир нечта хорижий тилларни билади. Танишинг: Миржаҳон ЯЗДАНОВ.

4-бет ▶


▶ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ


ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ҚАНДАЙ ДАВОЛАШАДИ?

Оилавий шифокор керакми? Одам ўрнини эгаллаётган юқори технологиялар. Суғурта. Корейсча менталитет

Албатта, ҳеч нарса осмондан тушмайди, корейслар бу даражага ўз-ўзидан чиқмаган. Биринчи сабаб: мамлакатда технологиялар ўта ривожланган ва барча соҳалар қатори тиббиётга кириб келган. Бошқа жиҳати ҳам бор: Жанубий Корейда шифокорлик касбининг нуфузи ўта баланд, ҳар ким ҳам бу касбининг этагини тутушга ботинолмади — гап бу йўналишда ўқиш қимматлигида ҳам эмас, негаки, ҳақимлик мақомига эришиш йўли жуда узун ва машаққатли.

Менталитетга ҳам боғлиқ жиҳатлар бор: корейслар ҳуда-беҳудага бировни безовта қилмайдиган халқ — демакки, шифокорлари ҳам шундай. Кўриниб турибдики, корейслар тиббий ёрдам ҳақиқатан ҳам керак бўлганидагина ҳақимга мурожаат қилишади ва унинг айтганларига қатъий амал қилишади. **5-бет ▶**





ТАЪЛИМ ва АКТ

Тизимда EMIS, NFS, ID-карта ва бошқа энг замонавий технологиялар жорий этилади



➤ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 13 июл кuni Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.** Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

➤ **Президент Шавкат Мирзиёев 14 июл кuni Президент Эммануэл Макронни Франция миллий байрами — Бастилия ишғол этилган кун муносабати билан табриклади.**

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 17 июл кuni умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.** Унда ҳақ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тақдими ўтказилди. Давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълим тизими инсон ресурсларини ривожлантиришнинг пойдевори, мактаблар ёшларда билим, дунёқараш ва маънавий асосларини шакллантирувчи асосий маскан эканини таъкидлади.

➤ **Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси билан учрашди.** Унда икки давлат вазирилик ва идоралари, иқтисодий тузилмалари раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, бўлажақ олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон учрашувига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.

➤ **БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Афшан Хон бошчилигидаги делегациясининг мамлакатимизга ташрифи муносабати билан 18 июл кuni пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

➤ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизmlарини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ти қарори эълон қилинди.**

➤ **Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида Қирғизистон Республикасининг хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик секторларининг хотин-қизлар ассоциацияси делегацияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.** Тадбир давомида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси билан Қирғизистон Республикасининг хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик секторларининг хотин-қизлар ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик масалалари бўйича меморандум имзоланди. Меҳмонлар Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Халқ таълими вазириликда ҳам бўлди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрига ташриф кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 17 июл кuni Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўналишида қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган:

■ Халқ таълими вазири-

лигида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш агентлиги ташкил қилинади;

■ ўқув жараёнини бошқаришнинг ахборот тизими (EMIS)ни жорий этиш учун ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, ходимлар ва мактаблар маълумотлар базалари яратилади;

■ ўқувчиларни идентификациялаш (NFS, ID-карта)

замонавий тизимларини жорий этиш ва уларни бошқа тизимлар (соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва ҳоказо) билан интеграция қилиш;

■ ўқувчиларни биринчи синфга қабул қилиш, мактабдан мактабга кўчириш ва бошқа хизматларни электрон шаклга ўтказиш ҳамда 2019 йилдан бошлаб Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилишни йўлга қўйиш;

■ соҳада қўғозбозликни камайитириш учун электрон давомат ва ўзлаштириш тизимлари (электрон журнал, кундалик, табел ва б.) жорий этилади;

■ соҳада молиявий назоратни кучайитириш, шаффофликни таъминлаш ва Кузатув кенгашлари ролини ошириш учун молия бошқариш тизимлари (FMS) жорий этилади;

■ барча мактаблар юқори тезликдаги интернет тармоғига уланади ва замонавий компютер техникаси билан таъминланади.

Маълумот: Бугун мамлакатимиздаги 9700 та мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 450 мингдан зиёд ходимлар меҳнат қилади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТУРКИЯЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирилик ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Халилullo Тураҳужаев Туркия халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги раиси Али Иҳсан Чағлар билан учрашди. Бу ҳақда Давлат хизматлари агентлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими маълум қилди.

Халилullo Тураҳужаев меҳмонларни агентликнинг асосий фаолият йўналишлари, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ўз ташкилотига юқлатилган вазифа ва функциялар хусусида тўхталиб ўтди.

Али Иҳсан Чағларга ўзaro ҳамкорликка тайёр эканлигини маълум қилди. Меҳмон Туркияда давлат хизматлари кўрса-

тиш тажрибаси ҳақида сўзларкан Ўзбекистоннинг тажрибаси комплекс чора-тадбирларни акс эттиргани билан ўзига ҳослигини таъкидлаб, Ўзбекистон инвестицион иқлими ва иқтисодий ривожланишида янги ташкил этилган Давлат хизматлари агентлиги муҳим ўрин эгаллашини айтди.

Учрашув сўнггида томонлар икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида келишиб олдилар.

ЭНДИ ТОШКЕНТ БИР ҚАДАМ

Олий таълим муассасаларида қабул жараёни яқинида етди. Жорий йилдан ҳужжатларни жойлардаги Давлат хизматлари марказлари орқали топшириш имконияти яратилди. Мисол учун, олинлари Тошкент давлат юридик университетида ҳужжат топшириш учун абитуриентлар пойтахтга боришар эди.

Деярли ҳар кун қайсидир масала бўйича давлат хизматларидан фойдаланамиз. Бу борада ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олиш, фуқароларга тезкор ва сифатли давлат хизматлари кўрсатиш борасида яратилган тизимли фаолиятдан барча бирдек мамнун бўлмоқда. Урганч шаҳрида яшовчи Сардор Комилов бу йил ҳужжатларини Урганч шаҳар давлат хизматлари маркази орқали Тошкент давлат

юридик университетига жўнатди. Бунга атиги 15 дақиқа вақти сарфлаган Сардор бироз ҳаяжонда.

— Илгари ҳужжат топшириш учун 1000 километр йўл босиб, Тошкент шаҳрига борар эдик, — дейди абитуриент Сардор Комилов. — Биринчидан, мен ҳозир вақтдан ютдим. Йўлқира ва уёқдаги харажатларга сарфланмаган маблағ чўнтагимда қолди. Бундан ота-онам ҳам хурсанд.

Сўзимиз тасдиғини Хива шаҳри ва тумани мисолида ҳам давом эттираемиз. Хивалик Санжарбек ҳам аввалгига бундай имконият борлиғига шубҳа қилганди. Албатта, шунча маблагни тежаб, яна қисқа вақт ичида абитуриент ҳужжатини қўлга киритиш кишини бироз ўйлантириб қўяди. Тўғрироғи, бунга ўрганмаганмиз. Аммо,

қўриб турганингиздек, масала жойида ижобий ҳал этилди. Унинг ҳужжатлари тезда Хива шаҳар давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан қабул қилинди.

— Пойтахтга бориш учун озгина маблағ йиғиб қўйган эдик. Интернетдан маълумотлар йиғаётганимда давлат хизматларида имконият яратилётганини ўқиб қолдим ва тўғри шу ерга келдим, — дейди Санжарбек Бектурдиев. — Шунча имконият яратишгани учун раҳмат.

Ешларимиз учун яратилётган бу каби имкониятлар таълим сифатига самарали хизмат қилишига умид қилиб қоламиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

ОЧИҚ WI-FI ТАРМОҒИ: ҲАМДА "АКТ ВАЗИРЛИГИ" ҲАМДА WI-FI ТАРМОҒИ РИВОЖЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚУЛЛАЙДИغان ШАХСНИНГ ТАСДИҚЛАНИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛДИ

“Очиқ Wi-Fi тармоқларидан фойдаланишда шахсни тасдиқлаш жараёни ҳақон миқёсида миллионлаб фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади. Бу – вақт синовидан ўтган халқаро тажриба.”

2018 йилнинг 10 июлида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Маълумотлар узатиш тармоқлари, жумладан, янги таҳрирдаги интернет хизматларини кўрсатиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги буйруғи Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Бир қатор ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур ҳужжат ҳақида АКТ вазирлиги ахборот хизмати шарҳ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кириш туризмни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қароридан вазирлик зиммасига очиқ Wi-Fi тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини, хусусан, очиқ Wi-Fi тармоқлари фойдаланувчиларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шaroитлар яратиш бўйича қўшимча таъкидлий чоратадбирлар тўғрисида”ги фармонида жамоат жойларида интернет тармоғига симсиз бeнул уланишни таъкидлаган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдига фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаш тизимини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Бугунги кунда шаҳарларимизнинг катта қисми Wi-Fi тармоқлари билан қоплаб олинган. Аксарият жамоат жойларида, савдо марказлари ҳамда биноларда интернетга Wi-Fi орқали уланиш жорий қилинган.

Бироқ очиқ интернет тармоқларидан қонунга хилоф равишда (товламачилик, коррупция) фойдаланиш, террорчилик ҳаракатларида қўллаш қўламининг ошириб бeраётгани ҳамда



бошқа омиллар жамоат жойларида Wi-Fi орқали интернет хизматлари кўрсатишни тартибга солишни тақозо қилмоқда.

Маълумотлар узатиш тармоқлари, жумладан, янги таҳрирдаги интернет хизматларини кўрсатишнинг янги тартибда очиқ интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича талаблар алоҳида бўлиб келтириб ўтилган. Унга қўра, ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир фойдаланувчи очиқ интернет тармоғидан фойдаланаётганда шахсини тасдиқлаши зарур.

Очиқ Wi-Fi тармоқларидан фойдаланишда шахсни тасдиқлаш жараёни ҳақон миқёсида миллионлаб фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади. Бу – вақт синовидан ўтган халқаро тажриба.

Буйруқ бўйича янги киритилган тартиб-қоида қўйиладиган:

- фойдаланувчилар ўз шахсларини мобил телефон рақамлари орқали ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар (чипта, меҳмонхонадан рўйхатдан ўтиш маълумотлари) орқали тасдиқлашлари мумкин. Фойдаланувчи мобил теле-

фони орқали шахсини тасдиқламоқчи бўлса, чекланган муддатда фаолият кўрсатувчи (10 дақиқадан кўп бўлмаган) ҳамда фойдаланувчининг телефон рақамига SMS-хабар тарзида юборилган бир марталик кириш пароли (One Time Password) дан фойдаланилади;

- Wi-Fi хизмати ташкилот-чиси фойдаланувчининг телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган шахсий маълумотлари ҳамда хабарларининг махфийлигини таъминлаши шарт. Мазкур ҳолат бўйича чекловлар қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда амал қилиши мумкин;

- Wi-Fi хизматларининг сифатли кўрсатилиши юзасидан назорат Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси зиммасига юклатилади. Мазкур ҳужжатни тайёрлаш жараёнида вазирлик мутахассислари ҳамда эксперт гуруҳи халқаро тажрибани яқиндан ўрганган, шунингдек, ҳужжат Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини муҳокама қилиш

порталида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

Халқаро тажрибага қўра, Wi-Fi тармоғига имтиёзли уланиш жамиятнинг “шахси тасдиқланган” ҳамда Wi-Fi тармоғи ривожига ҳисса қўшувчи аъзоларига бeрилади. Мисол учун, ўз уйининг том қисмига Wi-Fi қурилмалари ўрнатилишини қўллаб-қувватлаган шахсларга. Эстония, Париж, Исроил, Финляндия каби мамлакатлар қонунчилигида бундай жиҳат кўзда тутилган.

Жамоат жойларида Wi-Fi тармоғидан ўз шахсини тасдиқлаш орқали давлатнинг амалиёти хорижда, жумладан, Италия, Жанубий Корея ва бир қатор давлатларда жорий қилинган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, хусусан, Россияда 2014 йилдаёқ ахборот-телекоммуникация тармоғи (интернет) да ахборот алмашишни тартибга солишга оид қонун қабул қилинган.

Бугун фойдаланувчилар, жумладан, сайёҳлар ва турли мамлакатлардан таширф буюраётган меҳмонлар аэропорт, вокзал, меҳмонхона ва жамоат транспортлари, маданий-сайёҳлик объектларида мавжуд очиқ интернет тармоқларидан хавфсиз фойдаланишни истайдилар. Шу боис ҳам, юқорида номи келтирилган ҳужжатда Wi-Fi тармоғи хавфсизлигини таъминлаш ва ундан фойдаланишда шахсни тасдиқлашнинг содда усулларидан фойдаланиш белгилаб бeрилган.

Ўзбекистонда маълумотлар узатиш тармоқлари, жумладан, интернет хизматларини кўрсатишда замонавий ҳамда аниқ қоидаларнинг жорий қилиниши мамлакатимиз аҳолиси ҳамда турли мамлакатлардан кeлаётган сайёҳларнинг очиқ Wi-Fi тармоқларидан хавфсиз фойдаланишларини таъминлайди.

ЙИЛ ОХИРИГАЧА ИНТЕРНЕТ-КАНАЛ НАРХИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ПАСАЙТИРИБ БОРИЛАДИ

АКТ вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистондаги алоқа операторлари ҳамда интернет провайдерлари билан уларни қийнаётган муаммолар ва ечимини кутаётган масалалар, очиқ саволлар юзасидан учрашув ўтказди. Унда “Ўзбектелеком” АК томонидан ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси иштирокида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар атрофида таҳлил қилинди.

Учрашувда халқаро каналларнинг ўтказувчанлик даражаси бор-йўғи ярим йил ичида 1,5 баробар оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, интернет-каналларнинг ҳамда IP-транспорт нарх-

навосини мақбуллаштириш муҳим масала бўлиб қолаётгани таъкидланди.

“Ўзбектелеком” АК раҳбарияти томонидан 2018 йилнинг сўнгига қадар интернет-канал нархи бошқичма-бошқич пасайтирилади ҳамда мавжуд сифмлар тезкорлик билан кенгайтирилади. Шу билан бирга, каналлар ижраси учун тарифларнинг пасайтирилиши ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Қолаверса, “Ўзбектелеком” АК инфратузилмасидан ижарага фойдаланишнинг тариф ва ягона тартиби ҳам қайта кўриб чиқилади.

Жамоатчилик кенгаши муҳокамалари натижаси бўйича оператор ва провайдерлар учун вазирлик қошида Экспертлар кенгашини тузиш тақлифи ил-



гари сурилди. Экспертлар кенгаши раиси Жамоатчилик кенгашига ҳар ойда интернет хизматлари бозорини ривожлантириш ва зарур муҳитни яратиш учун интернет провайдерларнинг тақлифларини тақдим этиб боради.

Шунингдек, йиғилишда айна пайтда Ўзбекистондаги минтақавий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича вазифалар тайёрланаётгани, хусусан, ҳудудларга оптик толали алоқа тармоқларини тортиш масаласи диққат-эътиборда экани қайд этилди. Жумладан, алоқа тармоқларини абонентларнинг уланиш нуқтасига-ча тортиш, яъни лойиҳалаштиришнинг “сўнгги миля” тамойили бўйича замонавий ечимларидан фойдаланилаётгани айтилди.

Яқунда оператор ва провайдерларга ҳудудларда кенг поласали интернетга уланиш бўйича вазирликка ўзларининг сармоёвий лойиҳаларини тақдим этиш тақлиф қилинди.

“АЛИБОБО”НИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАН ЙИГИТ

◀1-бет.

— Миржаҳон, нималар билан бандсиз? Талабасиз, таржимонлик қиласиз, гидлик, бунинг устига тadbиркорлик — буларга қандай улгураясиз?

— Авваламбор шундай илиқ кутиб олганингиз ва эътибор қараганингиз учун миннатдорман.

Бир йил аввал ЮНЕСКО ташкилотининг Great Wall стипендияси голиби бўлиб, Хитойнинг Шанхай шаҳридаги Халқаро бизнес ва иқтисодиёт университетининг халқаро савдо йўналишида таълим олиш имкониятини қўлга киритдим. Бундан жуда бахтиёрман, чунки халқаро даражада савдо амалиётларини олиб боришга иштиқим анча аввал бошланган эди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт йўналиши талабаси бўлган давримда ҳам шу соҳада кўплаб изланишлар олиб борганман, илмий мақолаларим чоп этилган. ЮНЕСКО берган бу имконият менга янада камарбаста бўлди. Ўз имкониятимни жаҳон даражасида синаб кўрдим, устозларим ёрдамида кўплаб халқаро молиявий амалиётларини кўплаб кўрдим. Бу шу пайтгача орттирган тажрибам, устозлар ҳамда ота-онам берган таълим меваси деб ўйлайман.

— Халқаро савдо?..

— Халқаро савдо, умуман халқаро даражада ниманидир олиб боришга бўлган иштиқоқим гид-таржимонлик тўғрисида, чет элликлар билан мулоқотларим, хориж мамлакатларига сафарларим давомида турфа одамлар билан мулоқотлар давомида шаклланиб борган. Шанхайга борганимдан сўнг шу тажрибаларимга асосланиб изланишни янада кучайтирдим, ҳар хил халқаро анжуманлар, масалан, Хитойнинг энг йирик импорти ва экспорт кўргазмаси — Canton Fair 2017да, ундан сўнг One Road One Belt янги йил кўргазмасида қатнашдим. Пекин, Гуанчжоу, Гонконг, Шэнчжэн, Шанхай каби кўплаб йирик шаҳарларда кўрмаган-билмаганларимни ўргандим. Хитойнинг нега дунё миқёсида энг йирик ишлаб чиқарувчига айлангани ва Ўзбекистон учун қандай янги жиҳатларни жорий қилсак бўла-

ди — шулар устида ўйлайдим.

Ниҳоят, 2018 йилнинг бошида Хитойнинг дунёга машҳур Alibaba компанияси билан шартнома имзолашга ва 1 миллиарддан ортиқ турли молларни Ўзбекистонга етказиб бериш имкониятига эга бўлдим. Ҳозирги кунда Goshop.uz интернет платформамиз ҳамда Хитойдан юкларни Ўзбекистонга қисқа муддатларда, яъни 4-8 кунда элтиб бериш учун Rosan Express компанияси ҳамда Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи бир нечта логистика компаниялари билан ҳамкорликда Goshop Express элтиб бериш тизимини ҳам ишга туширдик. Бунинг натижасида кичик — 1 килограммлик юклардан тортиб катта — контейнергача юкларни юртимизга олиб келишга кўмаклашяпмиз. Ҳозирги кунда сайтимизда Хитой ва Туркия давлатларининг кўплаб маҳсулотларини топшингиз мумкин. Ҳамкорларимиз ва биз билан бирга ишламоқчи бўлган ҳамюртларимиз сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу эса, албатта, бизни янада руҳлантиради. Ҳамкорликда ишламоқчи бўлган ҳар бир кишига эшикларимиз очик, харидорларимизга янада қулайроқ шароитлар яратиб беришга ҳаракат қиламиз ва бу борала ҳар қанча таклиф бўлса мамнуният билан қабул қиламиз.

— Кўпгина хориж мамлакатларида бўлгансиз. Айтингни, ахборот технологияларининг ривожланиши бўйича нималар эътиборингизни тортди?

— Дунёнинг ўнга яқин давлатида бўлган бўлсам, ҳар бири ўзининг турфа жиҳатлари билан мени ҳайратга солди. Масалан, Хитойдаги жуда ҳам қулай тўлов тизими — Alipay, ҳам тўловлар, ҳам кундалик ижтимоий ҳаёт тарзи учун қўл келувчи Wechat мессенжери, Хитой кўчалари бўйлаб тарқалган кўплаб ижара велосипедлари, электромобиллар ва мопедлар менда ажойиб таассурот қолдирди. Бу каби технологиялар ҳар бир давлатда жорий этилса, менимча, ўша ернинг халқи учун жуда кўп қулайликлар беради.

— Сизни ҳайратга солган энг



сўнги технологиялар “ТОП-5” талигини айта оласизми?

— 1) Wechat мессенжери; 2) электромобиллар ва мопедлар; 3) тезюрар поездлар (Шанхайдаги 450-480 км/соат тезликка эга поезд шаҳар четидан марказигача бўлган 40 км. масофани 6 дақиқада босиб ўтади); 4) Alipay ва электрон савдо платформалари; 5) Didi — қулай такси тизими.

— Халқаро форум, анжуманларда кўп қатнашасиз, бу сизга нима беради?

— Кўплаб илмий-амалий конференциялар, шахсий имкониятни кучайтирувчи турли мактаблар, бизнес-форумлар ҳамда мунозараларда қатнашдим. Албатта, буларнинг барчаси сизнинг ўз устингизда янақа қаттиқ ишлашингиз, тўғри йўналиш топшингиз ҳамда ҳаётий билим тажрибангизни бойитишга хизмат қилади. Озарбайжонда ўтган Green Economy, Хитойдаги аънавий Canton Fair кўргазмаси, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетини бўлиб ўтган бир нечта илмий-амалий конференциялар, юртимизда ҳар йили ўтказилиб келинётган USENET халқаро анжумани менда жуда яхши таассурот қолдирган.

— Сайёҳсиз. Ижтимоий тармоқларда жуда фаолсиз. Саёҳат

сиз учун ҳоббими ё кўп нарсани ўрганишми?

— Ҳа, жуда қизиқ савол.... Менимча, ҳозирги кунда саёҳат қилишни хоҳламайдиган инсоннинг ўзи йўқ! Саёҳат мен учун ҳобби деб айта олмайман, лекин жуда хуш кўраман. Чунки саёҳат давомида ўзингизнинг ҳамда саёҳат қилаётган мамлакатингизнинг кўплаб янги қирраларини кашф этишингиз мумкин. Чунки сизда ҳаётий тажрибангизни бойитиш, янгидан-янги дўстлар топши ҳамда ҳар доим улардан завқ олиш имконияти бўлади. Бу менимча инсон ҳаракат қиладиган ҳар қандай нарсанинг асосидир. Ўзинг қилаётган нарсалардан завқ ола билши ва уни тўғри мақсадда йўналтириш ҳамма учун фойдали бўлади. Ижтимоий тармоқларда эса олган ҳиссиёт ва тажрибаларимни ўртоқларим билан бўлишига ҳаракат қиламан.

— Доимо юксақ ҳаракатлар учун катта мотивация керак. Сиз асосан нималардан руҳланасиз? Кино, мусиқа, китоб, видео?..

— Албатта, ҳар бир инсон учун мотивация жуда муҳим. Стив Жобс айтганидек: “Агар сиз ўзингиз ҳақиқатан ҳам қаллайдиган ва завқланадиган ишингиз билан шуғулланаётган бўлсангиз, унда сизнинг ишлангизингиз учун туртки керак эмас, жараён ўз-ўзидан олдинлаб кетади”. Яъни, аввало, қилаётган ишингиздан завқ олишингиз керак! Менда баъзида шунақаси бўлади: ярим кечаси қанақадир гоя келиб қолади ва қоғоз қоралашга киришаман, тонг сарҳатгача ёзув-чизув қилиб ишимда қандай қилиб янгиликлар қилиш мумкинлиги ёки бўлмаса яқин келажақдаги режаларимни мослаштириб оламан. Бу эса албатта ўз ишимни аъло даражада бажаришимга туртки бўлади. Баъзида эса умуман мотивация йўқолиб қолгандай бўлади, шундай ҳолларда кино кўришни ёки бирор-бир кишининг ҳаётий воқеалари акс этган видеороликларни томоша қилишни хуш кўраман. Чунки уларда ҳам кўп жозиба бор.

— Ҳўш, унда ўз ишчиларингизга қандай мотивация бера оласиз? — Ҳар доим жамоани тинг-

лашга ва улар билан биргаликда ишлашга интилам! Ишчилар, умуман, иш борасида гап кетганида ўзим кўп кузатиб борадиган шахс — Alibaba компанияси асосчиси Жек Манинг йўлини тутишга ҳаракат қиламан — “Ёшларга ёрдам бер, ёшларга имкон бер. Чунки бир кун улар ҳам “катта одам” бўлади. Сен биргаликда улғайган, сен тўғри йўлни кўрсатган шахслар билангина сен бир кун келиб дунёни ўзгартира оласан”. Яъни, яхши жамоасиз катта натижаларга эришиш жуда қийин. Ҳар доим жамоамизга янги гоёлар, янги фикрларни ўртага ташлашга ва улар билан келгуси режаларни, керакли асосий чизиқларни яратиб олишни хуш кўраман. Бундан уларнинг ҳам, менинг ҳам қилаётган ишимизга ишончимиз ва меҳримиз янада ортади. Ҳар бир киши қилаётган ишида ўзининг бир гоёсини кўради, бу эса ҳар бир кишига шу ишдан мамнуният туйғусини беради, менимча.

— Қандай мавзулардаги китобларни яхши кўрасиз? Ўқийсизми?

— Ростини айтсам, аънавий китобларни жуда кам ўқийман. Китобларни асосан электрон шаклда мутолаа қиламан. Бу жуда ҳам қулай. Йўлда, кутиш залларида, метрода, самолётда, хуллас, қаерда бўш вақтим бўлса шу ерда мутолаага шўнғийман. Лекин хоҳиш келди дегунча олатла психологик китоблар, айниқса, Дейл Карнегининг китобларини ўқишга тушаман.

— Келажак режаларингиз?

— Келажакда юртимизга наф келтирадиган, халқимизга хизмат қиладиган Goshop.uz интернет савдолар платформасини янада такомиллаштириш ҳамда бутун дунёдан халқимизга хуш келувчи товарлар ва хизматларни тақдим қилиш ниятидаман. Келгусида эса орттирган бизнес тажрибам ҳамда бизнес олоқаларимдан фойдаланган ҳолда нафақат юртимизга юкларни импорт қилиш, балки юртимизда ишлаб чиқарилаётган кўплаб маҳсулотларни экспорт қилишни, жаҳон истеъмолчиларини Ўзбекистон маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўймоқчиман.

— Беш йилдан кейин ўзингизни қаерда ва қандай ҳолатда тасаввур қиласиз?

— Беш ёки ўн йилдан сўнг эса айнан шу ишларнинг бир етакчиси сифатида халқимизга хизмат қилиш энг олий мақсадиридир! Агар шу орқали янада нарҳларнинг арзонлашуви, ички бозорнинг рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқарувчиларимизга экспорт қилишга ёрдам берсам ўзини ҳақиқий бахтиёр инсон сифатида кўра оламан.

— Қизиқарли ва самийи суҳбатингиз учун миннатдоримиз!

— Раҳмат!
Фулмон Назаров
суҳбатлашди

Goshop.uz

Расширенный поиск

Мобильные телефоны | Ноутбуки | Телевизоры

Всё категории

КАТАЛОГ ТОВАРОВ

Женская одежда и аксессуары

Мужская одежда и аксессуары

Обувь для всей семьи

Сумки и чемоданы

Бижутерия и часы

Телефоны и аксессуары

Всё для детей

Компьютеры и оргтехника

Go International

ЭТО ВАШ НЕЗАМЕНИМЫЙ ПОМОЩНИК В ПОКУПКАХ С САМЫХ ИЗВЕСТНЫХ ИНТЕРНЕТ-МАГАЗИНОВ МИРА

ПОДРОБНЕЕ

Добро пожаловать

Регистрация

Вход

Мы в telegram

Полный каталог

99897 925-08-48

Вход в кабинет

Корзина

Полный паз

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ҚАНДАЙ ДАВОЛАШАДИ?

Оилавий шифокор керакми? Одам ўрнини эгаллаётган юқори технологиялар. Суғурта. Корейсча менталитет

◀ 1-бет.

Даво истасанг пулини тўла

Корея Республикасида давлат суғуртаси бор. Мажбурий бўлмаса ҳам, деярли барча корейслар ёнларидан пул тўлаб ўзларини суғурталаб қўйишади. Иш берувчи ва ходим 50/50 нисбатда суғурта пулини тўлашади. Суғурталанган шахс ўз суғуртасига яқин қариндошларини ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз киритиб қўйиши мумкин. Суғурта пули ойига 40 минг вон (30 доллар атрофида, кейинги ўринларда тушуниш осон бўлиши учун қийматларни долларда кўрсатамиз)дан тушади.

Умуман олганда, Жанубий Кореяда суғуртанинг тури жуда кўп, корейслар эса ойига 20-30 доллардан тушувчи суғурталарни маъқул кўришади. Бу суғурталар барча тиббий хизматлар ва дори-дармонларни олишда 70 фоизлик имтиёз беради.

Хусусий суғурта ҳам бўлишига қарамай, кўп корейслар давлат суғуртасини танлашади.

Бироқ ҳеч қанақанги суғурта тиббий харажатларни 100 фоиз қопламайди. Маълум бир қисмини ёндан тўлашга тўғри келади — қанча тўлаш вазиятга қараб маълум бўлади. Масалан, хусусий суғуртаси бор ёши удуғ одамга мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарур бўлса, суғурта унинг харажатларини деярли тўлиқ қоплайди.

Оддий касалхонада шифокор маслаҳатини олиш, агарда суғурта бўлмаса, 20-30 долларга тушади. Суғуртаси борлар учун — 14-20 доллар. Шифохона тоифаси юқорилаб боришига қараб тўлов ҳам ошиб боради. Масалан, йирик университет шифохонасида кўрик 70-100 долларгача чиқади. Жанубий



Оилавий шифокор? Ким у?

Бу мамлакатда "оилавий шифокор" тушунчасининг ўзи йўқ. Бирон жойи огриганлар биринчи даража келган шифохонага киришади. Одатда касали энгиллар кичик биноларда жойлашган клиникалар (терапевт, лор, педиатр кабилар)га, масаласи жиддийроқлар эса университет касалхоналарига боришади. Университет касалхоналари бутун бошли шаҳарча — ресторан, кафеси, албатта, ташхис ва даволаш учун мажмуалари бор. Бу ерда илмий тадқиқот билан шуғулланувчи таниқли профессорлар ишлайди. Сеул миллий университетининг касалхонаси расман давлатники саналади, қолган университетларнинг касалхоналари эса хусусий.

Мамлакатдаги хусусий клиникаларнинг барчаси ихтисослашган: офталмология, пластик жарроҳлик, гастроэнтерология ва бошқалар. Энг эътиборли жиҳати, на жиҳозланиш, на беморларга эътибор борасида хусусий ва давлат клиникаларини ажратилиши асло илоҳи йўқ.

Сиз қайси шифокор қабулига кирмоқчи бўлсангиз, ўшанга навбатга ёздир оласиз. Албатта, сиз адашиб бошқа шифокор хузурига кириб қолсангиз, унинг ўзи керакли мутахассисга йўналтиради.

"Тор доирада"

"Тор доирадаги мутахассис" тушунчаси Жанубий Кореяда ўта кенг ривожланган. Масалан, тос суягини текширган шифокор тиззани кўрмайди, тиззанинг ўз дўхтири бор. Мана, сизга ихтисослашиш.

Корейс ҳақимларининг яна бир жиҳатига қойил қолиш керак — мабодо касали даволашга билимлари етмаса яшириб ўтирмасдан рўй-ростини юзингизга айтиб, фалончи бу борада мендан кучлироқ, дея керакли мутахассисни тавсия қилишади.

Юқори технологиялар

Корея Республикасида тиббий хизматлар ўта автоматлашган. Оддий оптикага борсангиз ҳам у ердаги қурилма дарҳол кўзингизни текшириб, сизга

қанақа кўзойнак ёки линза кераклигини аниқлаб беради.

Имкон қадар инсон кучидан кам фойдаланишга интилишди — қаерда ишлатилиши илоҳи бўлса машина ўрнатиб ташлашган. Масалан, текшириш учун қон олишни айтилик. Кореядаги энг камтарона жиҳозланган касалхонада ҳам автомат йўлакча ҳамширалар жойлаштирган пробиркаларни тўп-тўғри лабораторияга элтади.

Корейс шифохоналарида компютер тизими бор — беморнинг барча маълумотлари бир йўла электрон шаклда тўлдирилади. Агар сиз аввал қайсидир шифокор хузурига кирган бўлсангиз кейин исталган касалхонада картангизни очиб ўша шифокор қабулида қачон бўлганингиздан тортиб, у нималарни ёзганигача билиб олишади.

Дарвоқе, шифокорнинг "хуснихати" борасида муаммо йўқ; ташхислар ва рецептлар босма шаклда чиқариб берилади.

Агарда сиз шифокор қабулига олдиндан электрон навбатга ёзилган бўлсангиз, боришингиз керак бўлган кун телефонингизга SMS-хабар келади. Шифокор хонасининг тепасидаги электрон таблода эса сиздан олдин қанча одам борлиги-ю навбатингиз қанчага кечикаётганигача акс этиб туради. "Ким охириги?" деган саволларга асло ўртан йўқ.

Касални даволагандан — олдини олган маъқул

Жанубий Корея халқининг энг катта ютуғи ҳам шунда бўлса керак — уларнинг аксарияти ҳар йили қанда қилмай тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Олдини олган — даволанишдан яхшироқ.

Хўш, бундан нима наф? Агар 2015 йилги маълумотларга қаралса, Жанубий Кореяда ўртача умр кўриш 82,16 ёшга етган. Аммо бу чегара эмас: олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2030 йилга бориб, корейс эркеклари ўртача умр кўриш давомийлиги 84 йилга, аёллариники эса 90 йилга етаркан.

Мана сизга тиббиёт, мана сизга менталитет!

Собит АҲАДОВ, "Xabar" мухбири

“**Жанубий Кореяда тиббиёт ўта юқори чўққига чиққан, бежизга у ерга даволангани деярли ярим Осиё бормайди.**”



6 ИТ-ОБРАЗОВАНИЕ

ОКОЛО 1,2 ТЫС. АБИТУРИЕНТОВ ПРИНЯЛИ УЧАСТИЕ В ВСТУПИТЕЛЬНЫХ ЭКЗАМЕНАХ ИУТ



Около 1,2 тыс. абитуриентов приняли участие в вступительных экзаменах Университета ИНХА в г. Ташкенте, которые проходят в столице с 19 по 20 июля 2018 года.

Все документы от абитуриентов были приняты в режиме реального времени через специальную систему по приему документов, которая была разработана специалистами приему документов. Система позволила абитуриентам из всех регионов Узбекистана подать свои документы в ИУТ, не посещая Ташкент.

В ходе приемной кампании около 1,3 тыс. молодых людей из

разных регионов Узбекистана зарегистрировались в онлайн-системе Университета, из них 1219 абитуриентов удовлетворили требования для участия в вступительных экзаменах, утвержденные Университетом ИНХА в Республике Корея.

При этом 883 абитуриентов изъявили желания обучаться по направлению «Компьютерный и программный инжиниринг» и 336 абитуриентов — по направлению «Логистика».

Университет ИНХА в г. Ташкенте планирует принять 420 студентов на 2018-2019 учебный год. В частности, университет примет 300 студентов по направлению компьютерный и программный инжиниринг и 120 по направлению логистика.

При этом отметим, что срок один слушатель подготовительных курсов Центра непрерывного образования стал студентом Университета ИНХА в г. Ташкенте по результатам итоговых экзаменов, которые прошли 19 июня 2018 года. Из них 34 абитуриента были приняты по направлению компьютерный и программный инжиниринг и 7

— по направлению логистика. Они также имели право участвовать в приёмных экзаменах для завоевания грантовых мест.

Вступительные экзамены в Университет ИНХА в г. Ташкенте прошли в здании АО «Республиканский центр выставочной-ярмарочной торговли товарами народного потребления» (Узкургазмасавдо).

После экзаменов корейские специалисты собрали все экзаменационные вопросы и листы с собой в Республику Корея для подведения итогов вступительных экзаменов. Итоговые результаты будут объявлены 6 августа 2018 года.

Для обеспечения прозрачности Университет ИНХА в г. Ташкенте организовал трансляцию хода вступительных экзаменов ИУТ на странице live.inha.uz. Также родители абитуриентов и все желающие могли наблюдать в режиме реального времени за ходом вступительных экзаменов на странице университета на Facebook — <https://www.facebook.com/inha.uz>.

В МИРЕ СВЯЗИ

СМАРТФОН ВЫДЕРЖИТ 15 ПАДЕНИЙ С ВЫСОТЫ В МЕТР

Производитель стёкол Corning представил противоударное стекло для корпусов смартфонов нового поколения Gorilla Glass 6. Об этом сообщает CNet.

С новой комплектующей оболочка мобильного устройства станет прочнее. В тестах компания смартфон с Gorilla Glass 6 выдержал 15 падений с высоты в один метр — это в два раза больше, чем Gorilla Glass 5.

Corning выпускает стёкла для корпусов смартфонов с 2007 года. С того момента со стеклом Gorilla Glass было выпущено 6 миллиардов устройств.

ARMANI ВЫПУСТИЛ УМНЫЕ ЧАСЫ

Итальянский бренд Emporio Armani презентовал новое поколение умных часов Connected.

Аксессуар представляется в нержавеющей корпусе в трёх расцветках — серебристый, чёрный и розовое золото. Также на выбор предлагаются кожаные и металлические ремешки. Emporio Armani Connected оснащены 1,9-дюймовым циферблатом-дисплеем с матрицей AMOLED, чипом Snapdragon 2100, датчиками GPS и NFC (для бесконтактной оплаты).

Стоимость девайса варьируется от 295 до 395 долларов.

ГЕЙМЕРЫ СТАЛИ БОЛЬШЕ ТРАТИТЬ НА ИГРЫ

Аналитическая фирма Nielsen уже девятый год подряд проводит ежегодные исследования игровой аудитории.

Самая популярная платформа — консоли (их предпочитают 49% опрошенных). На втором месте — мобильные платформы, на них играет каждый третий. ПК использует для игр 21% (на 6% меньше, чем в прошлом году). При этом геймеры продолжают с каждым годом тратить всё больше денег на игры (28%).

Что же касается продолжительности, то люди старше 13 лет лишь 11% своего времени тратят на игры. Намного дольше они смотрят телевизор или сидят в интернете. При этом на компьютерные игры уходит больше времени (22%), чем на консольные (14%).

РЕЙТИНГ

ТУИТ В ДЕСЯТКЕ ЛУЧШИХ ВУЗОВ УЗБЕКИСТАНА

Государственная инспекция по надзору за качеством образования при Кабинете Министров совместно с Министерством высшего и среднего специального образования опубликовали первый рейтинг среди 57 вузов Узбекистана. Ташкентский университет информационных технологий занял 10 место в этом рейтинге.

В рейтинге участвовало отечественных 57 вузов. В нем не

участвовали филиалы зарубежных вузов в нашей стране.

Изучение проводилось в марте-июне. Учитывались такие показатели, как уровень знаний студентов и выпускников, качество учебно-методической работы и образования, профессорско-преподавательский состав и научно-исследовательская деятельность, а также материально-техническая обеспеченность и уровень внедрения ИКТ.

Первое место среди 57 вузов занял Национальный университет Узбекистана, а последнее (57 место) — Кокандский государственный педагогический институт.

В лучшей десятке, девять вузов из Ташкента и только Самаркандский государственный университет на пятом месте. При этом, ТУИТ имеет филиалы в пяти регионах Узбекистана.

КУЛЬТУРА

ПОСВЯЩЕНО ВЕЛИКОМУ КИРГИЗСКОМУ ПИСАТЕЛЮ

Художественное наследие известного киргизского писателя Чингиза Айтматова высоко ценится в Узбекистане. Ярким тому подтверждением стало постановление Президента Республики Узбекистан от 2 апреля текущего года «О широком праздновании 90-летия со дня рождения великого писателя и общественного деятеля Чингиза Айтматова». На основе этого государственного документа как во всей республике в нашей области в образовательных учреждениях, трудовых коллективах, махаллах проводятся тематические встречи, литературные вечера с участием известных поэтов, писателей и учёных.

В частности в нашем центре


развернута выставка, посвященная жизни и творчеству Чингиза Айтматова. На днях сотрудники центра в махалле «Тулзор» города Ургенча проводили литературный вечер на тему «Чингиз Айтматов и узбекская литература». Ёркиной Жуманиёзова и другие выступившие на мероприятии работники областного ИБЦ отметили, что сегодня, когда в истории узбекско-киргизских отношений начался новый этап, художественное наследие Чингиза Айтматова приобретает для наших народов еще более важное значение. Своей деятельностью он внёс огромный вклад в укрепление дружбы и сотрудничества, развитие литературно-культурных связей

между нашими странами. Произведения писателя, проникнутые идеями гуманизма и добра, служащие укреплению национальных и общечеловеческих ценностей, взаимного уважения и согласия между разными народами, издаются в нашей стране миллионными тиражами.

Также, жители махаллы имели возможность ознакомиться передвижной выставкой, на которой были представлены произведения писателя, книги, посвященные его памяти, фотографии, отражающие жизнь и творчество Чингиза Айтматова.

Рузйаб КУЛМАТОВ,
библиотекарь Хорезмского
областного ИБЦ

ҲАЛИ ҲАМ ШУ ФИКРДАМИСИЗ? МЕН СИЗГА ҚЎШИЛМАЙМАН



Энди ахборот технологиялари даври. Бунда таълим ҳам, таълим тизими ҳам буткул янгича бўлиши шарт. "Бир хил касб — бир хил маош" тамойили бугунги ёшларни қаноатлантираётгани йўқ.

Ахборот технологияларининг шиддатли ривожини таълим соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ваҳоланки, бугунги технологиялар айти "мағзи" ҳам таълимнинг замирида ётади. Ҳўш, ҳозирги рақамлашиб бораётган даврда таълим тизимининг аҳволи қандай? Коррупция... Йўқ, шошилманг. Ҳозир мутлақо бошқа нарсага тўхталмоқчиман. Балки сўзимнинг охирида нима демоқчи эканлигимни тушунарсиз.

Замонамизнинг машҳур файласуфларидан бири Роберт Киосаки шундай деганди: "Бугунги ахборот асрида ёшлар биз ўйлашга ҳам қўрқадиган маълумотларга эгаликлар". Ушбу фикрлар қанчалик асосли — қуйидаги мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Ҳозир мактабдаги деярли ҳар бир ўқувчи (5-6-синфлар ва ундан юқори) ўз смартфон

нига эга. Университет талабалари ҳақидаку гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу бугунги ёшларнинг "имиж"и. Уларнинг "авторитети". Лўндасини айтганда, уларга дунёнинг у бурчагидаги маълумотлар ҳам сонияларда келади. Бундай маълумотларни ўқиш, кўриш, эшитиш унчалик муаммо эмаслигини яхши биламиз. Турли гуруҳлар, чатлар, каналлар ва яна бошқа дастурлар ўсимлар учун оддий ҳол.

Ана энди савол: технологиялар имкониятларидан 110 фоиз фойдаланаётган ёшларимизга бугунги кунда қандай таълим керак?

Кечирасизку, ҳозирги таълим тизими анча эскирди. Ҳа, мутахассислар малакаси ошириляпти, аммо тизим эскириб бўлган.

Масофавий таълим, мулти-медиа лашган таълим ва бошқалар, истаимизми-йўқми, бизга янада қулайлик, энгиллик,

тезлик ва сифат беради. Чунки ҳаётнинг ўзи жуда тезлашиб кетди. Энди ёшлар жуда кам вақт сарфлаб, кўп ахборот олишга, тез ўзлаштиришга интилишмоқда. Кенг қўламли фанлардан воз кечиш, аниқ бир йўналиш бўйича ўқиш, XX асрнинг таълим тизимида эмас, янги замонавий инновацион таълим тизимидан фойдаланишга уринишлар бошланди. Эшитиш ва ёзиш, кўриш ва амалий қўллаш орқали таълим тизимида туб бурилишлар бошланди. Ҳозирги замоннинг етук педагоглари "Ўқитишнинг энг яхши усули — ҳаракат", деган хулосага келмоқдалар ва бу таълим тизимида яхши натижалар беришидан умидворлар. Ва ҳоказо.

Балки мен фикрларимни сал бўрттириб юборгандирман. Аммо таълим беришнинг асосий мақсади фанларни ёдлаш эмас, балки ҳар бир бо-


ланнинг иқтидорини юзага чиқариш эканлиги айти ҳақиқат. Креативлик, ижодий ёндашув таълимнинг ўзаги бўлиши керак. Илмий ёндашув янгиланган бўлиши керак. Бир касбни эгаллаб, шу билан бир умр давлат маошини олиб пенсияни кутиб яшайдиган "саноат даври" мафкураси эскирди. Энди ахборот технологиялари даври. Бунда таълим ҳам, таълим тизими ҳам буткул янгича бўлиши шарт. "Бир хил касб — бир хил маош" тамойили бугунги ёшларни қаноатлантираётгани йўқ. Кам вақт сарфлаб кўп таълим олиши замирида ҳам шундай фикрлар ётади.

Хулоса қилмоқчи эмасман — бу сизга ҳавола. Дарвоқе, таълим тизимидаги асосий муаммо сизнингча... Ҳали ҳам шу фикрдамисиз? Мен сизга қўшилмайман.

Гуломжон НАЗАРОВ

ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

ТАТУ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ ЯНА БИР ҚУРИЛМАЛИ БЎЛДИ



Айни пайтда плата ТАТУнинг Урганч филиалида ўқув жараёнидаги лаборатория амалиётларида қўллаш учун жорий қилинган.

Ҳозир замонавий техникалар асосан микроконтроллер ва микропроцессорлар ёрдамида бошқаришмоқда. Бунда жараёни рақамлаштиришнинг роли катта. Чунки рақамлаштирилган бошқарув ва ўлчов орқали олинган натижалар анча самарали ва шунинг учун ҳам улар аналог қурилмаларнинг ўрнини эгалламоқда, уларни бошқарув қурилмалари ёки ўлчов жараёнларидан сикиб чиқармоқда.

Рақамли технологияларнинг аҳамияти шунчаликки, ҳозир улар орқали олинган натижалар технология жараёнларини ҳам эмас, балки бозор иқтисодиётида таннархни ҳам белгилаб бермоқда. Шунинг учун бундай қурилмаларни яратишни ўрганиш бутун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Мамакатимиздаги бир қанча билим юрларида рақамли технология буйича мутахассисларнинг тайёрловчи факультет ва кафедралар бор, аммо уларда асосан қурилмаларни яратиш бўйича

назарий билимлар кўпроқ ўргатилади. Муаммо шундаки, олий таълим муассасалари, коллежларда амалий кўникмаларни эгаллашда қўл келувчи қурилмалар кам ёки етишмайди. Бунинг оқибатида микроконтроллер ва микропроцессорларни дастурлаш ҳамда улар асосида қурилмалар яратиш бўйича малакали кадрлар тайёрлашда оқсаямиз.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида ҳам телекоммуникация тизимидаги юқори технологик жараёнларни бошқариш ва уларнинг асослари ўргатилади. Албатта, хоразмлик талабаларга ҳам бу жараёнда микроконтроллер ва микропроцессорлар сув билан ҳаводек зарур.

Юқоридагиларини ҳисобга олган Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти микроконтроллер учун универсал дастурланувчи, созулганчи лаборатория платасини ишлаб чиқди. Бу лаборатория

платаси микроконтроллер ва микропроцессорлар ёрдамидаги амалий лаборатория ишларини бажаришда қўлланилади.

Платаларда ҳар қандай турдаги микроконтроллерни жойлаштириш учун махсус жой ажратилган. Яъни айни пайтда мингдан ортиқ турдаги микроконтроллерлар борлиги қўзда тутилиб, платанинг универсаллигига эътибор қаратилади. Бу микросхемаларга улашда ортиқча муаммоларни келтириб чиқармайди.

Плата ёрдамида 20дан ортиқ амалий лабораторияни бажариш учун махсус қўлланма ҳам яратилди. Шунингдек, ўргатувчилар ўз даражаси ошгани сайин унинг имконияти янада кенглигини ҳис этиб боради. Мазкур плата ёрдамида бошланғич тушунчаларга эга бўлибгина қолмасдан, турли қурилмаларини йиғиш, синовдан ўтказиш, платаларни бир-бири билан боғлаган ҳолда алоқа каналларини яратса бўлади.

Телекоммуникация соҳасидаги

алоқани яратиш ва уни ўрганиш имконияти борлиги эса платанинг асосий ютуқларидан биридир. Ушбу плата бир неча бор мамлакатимиз инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмасида намойиш этилди. Турли мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш ва шулар асосида тақомиллаштириб борилди.

Айни пайтда плата ТАТУнинг Урганч филиалида ўқув жараёнидаги лаборатория амалиётларида қўллаш учун жорий қилинган.

Бунинг фойдаси нималарга кўриништи? Биринчидан, филиалдаги лаборатория қурилмалари сони кўпайди, иккинчидан, талабалар учун ажойиб қўлайлик туғилди. Энди талабалар алоқанда схема йиғишга вақт кетказиш ўрнига плата ёрдамида ўзлари учун керакли схемани йиғишда ва унинг асосида лаборатория амалиётини бажаришда.

Хайрулла ҚУЛМАТОВ,
тадқиқотчи

МАКТАБ

ИХТИРОЧИЛАРНИ ЕТИШТИРИБ ЧИҚАРЯПТИМИ ЁКИ МАҚСАДСИЗ ЁШЛАРНИ?

Инсон билим ва дунёқараши фундаментини айнан мактаб даврида шакллантиради. Шунинг учун ҳам мен бугун айнан олий таълим ҳақида эмас, балки бошланғич ва ўрта таълим ҳақида сўз очмоқчиман. Сабаби, инсоннинг айнан шу даври унинг дунёқараши ва бутун келажагига катта таъсир кўради.

Мактаб даврини асосий таълим манбаи, деб биламан. Агар ўқувчи 11 йил таълим олиб ҳам айнан қайси соҳада қизиқиши устун эканини ва қайси касб ўзи учун мос эканини билолмаган бўлса, демек, мактаб йилларининг катта қисми увол бўлган. Ота-онаси танлаб берган ёки таваккал танланган касб йўналишида ўқиб, бу касбни севмаган ҳолда кўлига диплом олган мутахассис жамият ривожига қандай ҳисса қўша олади?

Ўз касбини севган инсон ишламайди, балки у ҳар кунини севган машғулот билан банд бўлади. Касбини севган инсон ихтирочидир! У касбининг янги-янги қирраларини ҳар кунини кашф эта олади ва вақт ўтган сари ўз касбининг профессионалига айланади. Жамиятда ўз касбининг профессионаллари кўп бўлса, бунда инсоннинг ўзи ҳам, жамиятдаги бошқа инсонлар ҳам фақат ва фақат ютади.

Хорижий ва миллий ўрта таълимни шахсий тажрибада солиштиришда...

Таълимнинг илк ўн бир йили ичида ўқув масканларини тўрт марта алмаштирдим. Орада юртимизда ўша пайт фаолият юритган чет эл илм масканида ҳам

таълим олишга муваффақ бўлдим. Бу масканда атиги икки йил тахсил олган бўлсам ҳам шу давр бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди, деб бемалол айта оламан. Сабаби шу қисқа даврда олган билимларим кейинги йилларда олган билимларимдан кўпроқ ва сифатлироқ бўлиб чиқди.

1992 йилда оддий мактабда биринчи синфда ўқий бошладим. Ўқиш ва ёзишни боғча пайтида ўрганиб олган эдим, шу сабабли ҳам биринчи синфга чиққанымда алифбенинг ҳар бир ҳарфини доналаб ўргатишган пайтда жуда зерикдим. Қанийди, йиллик дастурни ўзлаштириб бўлган болалар билимига қараб мос синфларга жойланса эди, камиди бир йил ютган бўлар эдим ва бу вақтда бошқа фойдали нарсалар ўрганган бўлар эдим, деб кўп ўйлайман.

Олтинчи синфни тугатганимда хориж лицейи очилгани ҳақида эшитиб қолдим ва кириш учун имтиҳон топширдим. Омад кулиб боқиб масканга қабул қилиндим. Янги ўқув йили бошланганида, мен сизга айтмай, ҳайратим ошган эди. Бутунлай ўзгача методика, ранг-баранг ва қизиқарли дарсликлар, чет тили дарсида фақат чет тилида гапирадиган ўқитувчи ва мени ҳайратлантирган яна бошқа кўп жиҳатлар.

Энг асосийси, ўқувчилар билими баҳоланишининг иложи борича адолатли бўлиши биларни чинакам билим олишга ундарди. Баҳони на таниш-билиш, на ота-она, на директор, на пул ўзгартири оларди. Баҳо ўзгартиришга бир ёки иккита имкониёт бериларди. Тест/имтиҳон топширилади, китобдан кўчиришнинг эса умуман иложи бўлмас-

ди. Наилож, ҳамма ўқир эди. Баҳолаш тизими ҳам ўқитувчининг ўзи ихтиёрида эмас, балки тест натижаларига қараб бўлар эди. Бу дегани, ўқитувчи биронта ўқувчини "ёқтирмай" қолгани учун паст баҳо қўя олмасди, балки натижасига қараб баҳоларди.

Ҳар бир ўқув йили сўнггида ҳар бир синфдан фанларни энг яхши ўзлаштирган ўқувчи бутун мактаб қаршида табрикланар ва эсдалик совғалари билан тақдирланар эди. Бу ҳам ўқувчилар учун ўзгача бир рағбат бўлиб хизмат қиларди.

Қизлар алоҳида ўқигани учун кимнинг қош-кўзи чиройли каби беъмани мусобақалар бўлмасди. Ҳаммада бир хил форма, ўқитувчиларнинг ҳаммаси устига оқ халат ташлаб олган. Шунинг учун кийим ёки қомат солиштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Шу масканда икки йил ўқиб, мен кейинги уч йил ичида олган билимларимдан кўпроқ билим ола олдим.

Чет эл лицейи маълум сабабларга кўра ёпилди ва мен миллий гимназияда ўқишни давом эттира бошладим. Бу ерда ўқувчиларни баҳолашдаги адолатсизликлар, ўқувчиларнинг билимига ҳаққоний баҳо бера олмаслик, зерикарли дарслар ва дарсликлар мени бошқа илм масканида ўқишни давом этишга ундлади. Бу ерда бир йил ўқигач, бошқа ўрта таълим ўқув масканига ҳужжат топширдим. Кейинги ўқув масканида ҳам айна шу ҳолатларга гувоҳ бўлдим.

Бундай солиштиришдан ягона мақсадим ўзимизнинг мактаб тизимининг яна ҳам такомиллаштиришга доир баъзи тақлиф ва фикрларим билан бўлишидир. Мен мактабни бошлаганимда юртимиз эндигина мустақилликни кўлга киритган пайтлар эди, шу сабабли ҳозирги даврда мактабдаги таълим ва дарсликлар сифати олдингидан яхшироқ эканига шубҳа қилмайман. Ўзимизда ҳам биров ўқув методикаси ва тартиб устида ишланса, тез орада таълим сифати яна ҳам ривожланишига ишонаман.

Қизларнинг таълими ҳақида

Ўғил болалар таълим олишининг аҳамияти ҳақида исталган одамдан сўранг, ўғил болаларнинг яхши таълим олиши жуда муҳим, деб жавоб беришди. Қизларга келганда эса негадир фикрлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб чиқди. Мен сизга айтсам, таълим олиш барча учун муҳим, аммо қизларнинг сифатли таълим олиши ундан ҳам му-

ҳимдир! Сизга олим ва олима бўлган фарзандлар, яъни порлоқ келажак керакми? Марҳамат, қизларга инвестиция қилинг. Таълим ҳам диний, ҳам дунёвий бўлиши ва ҳеч қачон фақат бир томонлама бўлиб қолмаслиги керак. Фойдали билим ва хунарга эга бўлган аёл-қизлар худди ўғил болалар каби жамият ривожига катта ҳисса қўша олади.

Ривоят қилинишгача, бир киши ҳақимлардан бирининг ҳузурига келиб: "Ҳазрат, менинг бир ўғлим ва бир қизим бор. Улардан ҳар иккисини ўқитишга қурбим етмайди, фақатгина биттасини ўқитишга имконим бор, қайси бирини ўқитай?" деб сўради. Шунда ҳақим зот: "Қизингни ўқит, чунки у келажакда фарзанд тарбия қилади. Агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, аммо қизингни ўқитсанг, бутун бир жамиятни ўқитган бўласан", деб жавоб берган экан.

Мактаб тизимидаги муаммолар


Бошланғич ва ўрта таълим даврида ўқувчи сифатида қандай муаммоларга дуч келганимни баён қилай. Бу муаммолар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган назаримда.

Бошланғич мактаб тизимидаги муаммолардан айримлари:

1. Болалар ўртасида ўзаро табақаланиш, ночор оила фарзандларининг тенгдошлари томондан камситилиши, жисмоний ва бошқа камчиликлари учун бир-бирини масхаралаш ва шунга ўхшаш муаммоларнинг кам эмаслиги. Умумий қилиб айтилса, болалар ўртасидаги ўзаро руҳий (ва баъзан жисмоний) зўравонликнинг тез-тез учраб туриши. Бу социализациянинг бир кўриниши, дейишингиз мумкин, аммо бу аслида руҳий синишга сабаб бўлувчи катта омиллардандир. Зўравон болалар ва зўравонлик қурбони бўлган болаларнинг катталардан вақтида тегишли ёрдам ололмалиги болаларда заифларга нисбатан бешафқатликни, ўзига бўлган ишончнинг йўқолиши ва худбинликни шакллантиради.

2. Синфда ўқувчилар сонининг ниҳоятда кўп бўлиши ўқитувчининг ўқувчиларга индивидуал эътибор бера олмаслигига сабаб бўлади. Мактабга боришдан мақсад таълим олиш бўлгани учун, менимча, бу жиддий муаммодир. Болалар психологиясини инобатга олганда, бошланғич синфлар ҳажми қанча кичик бўлса, шунча яхши.

3. Тез ўзлаштирилган ўқувчиларда умумий ўқув дастурини





қисқароқ вақтда ўзлаштири олиш қобилияти мавжуд бўлса-да, улар шу синфда нақ бир йил ўқишга мажбурлиги бироз ачинарли. Бундай болаларга билим даражасига қараб синфдан синфга сакрашга имконият берилиши керак, деб ўйлайман. Ўзлаштири олмаётган болалар ўзлаштириётган болаларга қараб мотивация ёки илҳом олади, деган гапга унчалик қўшилмайман. Ўз кучи билан адолатли имтиҳон топшириб, синфдан синфга белгиланган вақтдан олдин ўта олиш бошқа ўқувчиларга мустақил ўқиш-изланиш учун жуда катта мотивация бера олишига аминман. Тез ўзлаштириётган болалар бошқалар ҳисобига вақтидан ютказмаслиги керак. Болалик ва ўсмирлик давридаги вақт нақадар қимматли эканини барчамиз биламиз. Бу олтин даврда ҳеч қайси вақт мажбурий зериктиш ва қачон вақт ўтади, деган ўйлар билан ўтиб кетмагани маъқул. Бу албатта "яхши бўлар эди" қабилидаги бир тақлифлар.

4. Болаларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олмаслик ҳолатларининг учраб туриши. Барча болалар у ёки бу соҳада қобилиятли бўлишди, аммо афсуски, ҳаммаси ҳам бу қобилиятни ўзида вақтида кашф эта олишмайди. Бу эса катталар кўмагисиз амалга ошириш жуда қийин.

Ўрта ва ўрта-махсус таълим давридаги энг катта муаммолардан айримлари:

1. Баҳолаш тизимининг адолатсиз бўлиши ўқувчиларда ўқишга бўлган иштиёқ ва мотивациянинг сўнишига катта сабаб бўлади.

2. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш бўлмаслиги ва мустақил фикрлашга рағбатлангирмаслиги.

3. Дарслар қуруқ лекция ва назариядан иборат бўлиб қолиши.

4. Фақат баҳо учунгина ўқиш, яъни "дарс тезроқ тугатсин" қабилида вақтни зое қилиш.

5. Ўқувчиларда етарли ва сифатли билим олиши учун етарли имконият яратиб берилмаслиги, технологиялардан унумли фойдаланмаслиги ёки технологиянинг етарли эмаслиги.

6. Пораҳурлик.

Мактаб таълими сифатини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар

Бошланғич ва ўрта таълимни такомиллаштириш борасида қуйидагиларни тақлиф қиламан:

1. Аввало, таълим она қорнидан бошланади. Бола миясининг 90 фоиз қисми беш ёшгача шакл-

Ўқувчига болаликданоқ ўзи севадиган касбни танлай олишига кўмак бериш таълимнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим.

ланиб бўлган бўлади. Шунинг учун ҳам келинларнинг руҳий ва жисмоний саломатлиги муҳофазат қилиниши муҳим ва шартдир. Аёлнинг жони қирқта, деган гапни ким ўйлаб топган билмадимиз муҳим муҳофаза қилинмаса қуриладиган уй заиф бўлиши аниқ. Аёл-қизларнинг кадрини ошириш учун нима қилиш керак? Бунинг учун аввало уларни вақтида ўқитиш, ҳунарли қилиш ва ўзини муҳофаза қилиш сирларидан бохабар қилиш, яъни ўргатиш керак. Бу мактабнинг вазифаси эмас дersen, аммо каттароқ синфларда соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, бола психологияси каби дарсларнинг киритилиши нафақат ўқувчилар учун, балки бутун жамият учун фақат ва фақат фойда бўлади, деб ўйлайман. Мактабни битирган ёшлар турмуш қуриб фарзанли бўлишга-

нида янги авлод тарбиясига масъулиятроқ ёндаша олиши учун шу учала фан катта кўмак бериши мумкин.

2. Кейинги вазифа бу — болаларда китобга бўлган муҳаббатни уйғотишдир. Бу муҳаббат ҳеч қачон ўзидан ўзи келиб қолмайди. Болага китобни севадириш ва болаликдан саводини ошириш учун чақалоқлигидан бошлаб ҳар куни ухлатишдан олдин қизиқарли расмли китоблар ўқиш бериш ниҳоятда муҳим. Бунга ҳамма ҳам қилавермайди, чунки бу ҳақида кўп гапирилмагани учун ҳаммининг ҳам ҳаёлига келавермайди. Шу ҳақиқат медиа ва ойна жаҳон орқали инсонлар онгига сингдириб борилса, бора-бора бу нарса олдий ҳолга айланади. Шу кичик қадам келажак учун қандай инвестиция бўла олишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Китобсева болалар кўпайиши илм-фан тараққиёти сўраи қўйилган биринчи ва муҳим қадам бўла олишига ишончим қамал.

3. Бошланғич синфлардан бошлаб болалар билан толерантлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат мавзусида сўхбатлар қилиб туриш ниҳоятда фойдалидир. Бу уларда бир-бирига нисбатан меҳрибон бўлишга ва юқорида тилга олинган ҳар қандай руҳий зўравонликларни камайтиришга туртки бўлади. Руҳий зўравонлик қурбонлари асосан саломатлигида нуқсонни мавжуд болалар, семизликдан азият чекувчи ва/ёки уятчан болалар ҳисобланади. Толерантлик мавзусидаги сўхбатлар бундай кўнгилсиз вазиятларни камайтиришга ёрдам беради. Албатта, бундай мавзулар аслида оилада муҳофаза қилиниши тўғрироқ, аммо мактабларда ҳам амалга оширилса, қамров кенгроқ бўлган бўлар эди.

4. Баҳолаш тизимининг адолатли бўлишига интилиш зарур! Мисол қилиб айтганда, математика дарсида ҳисоб-китоб қобилиятига эмас, дафтардаги ёзувчи қараб баҳо қўйиш адолатсизликнинг бир кўринишидир. Баҳолаш ўқитувчининг фикрига эмас, балки имтиҳон ёки тест натижаларига қараб амалга ошириш шарт. Шундай қилинганда ўқувчида мавҳумлик ҳисси пайдо бўлмайди ва қандай ўқисам ҳам паст баҳо олаверар эканман, китоб ўқитгандан кўра устозга

ёқишга ҳаракат қилиб юқори баҳо оламан, деган ташунча пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса, ўз навбатида, коррупция каби иллатларнинг кўпайиши ёки болаларда мотивациянинг сўнишига олиб келади. Баҳолаш тизимини такомиллаштириш учун баҳолашнинг махсус стандарти ишлаб чиқилиши керак. Мисол учун, имтиҳонда 50та тест саволи бўлсин ва ҳар бир саволга 2 балдан ажратилсин. Шунда жами 100 балл бўлади. 84 балдан юқориси 5 баҳо. Имтиҳон пайти кўчиришга ҳаракат қилган ўқувчилар имтиҳон қоғозига белги қўйиб, ҳар бир кўчириш ҳаракати учун маълум балл айриб ташланади. Иш баҳолаганч, кейинги дарсларда имтиҳон қоғозлари қайтарилиб, ўқувчиларнинг хато қилган мавзуларида ёки ечолмаган масалалари устида умумий қайта ишланади. Шунда имтиҳонда рўй берган хатоликлар устида ишлаш учун алоҳида дарс ажратилган бўлади. Шундай қилинганда ўқувчилар мавзуни яна ҳам чуқур ўрганиб олишади.

5. Ўқитувчиларни тайёрлайдиган педагогика институтларида асосий эътибор бўлажак педагогларга назария ўргатиш эмас, балки амалда болаларга билимни қандай қилиб самарали равишда етказиб беришни ўргатишга бўлиши шарт. Бунинг учун бўлажак устозлар қандай қилиб дарс ўтишни ҳақиқий синфхоналардаги ҳақиқий дарсларда қатнашган ҳолда малакали устозлардан жонли равишда мастер-класс олишлари керак. Нега деганда, назарияни билган ҳамма ҳам самарали равишда ва тўғри усулда билимни болаларга ёки талабаларга етказиб бера олмаслиги мумкин. Бунга эса ўрганиш керак. Ўқитувчилик таланти ҳам ўрганса бўладиган сифатдир.

6. Бошланғич синфларда ўқувчилар сони 20-25тадан ошмаса таълим сифати ҳам ошади. Албатта, бунга амалда татбиқ этиш осон бўлмаслиги мумкин. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, синфдаги ўқувчилар сони қанча кам бўлса, болалар ўзини шунча яхши тутди. Ўқитувчи ҳам болалар билан ишлаганда уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан бохабар бўла олади ва улар билан самаралироқ ишлаб олади. Ки-

чик сонли синфларда ўқувчилардаги муаммолар яққол кўринади ва уларга ёрдам бериш оsonлашади.

7. Йил бошида ҳар бир фаннинг илк дarsi шу фаннинг ўтилишидаги мақсадни ҳаётий мисоллар билан тушунтиришдан бошланиши керак. Нега деганда, ўтилаётган фаннинг ҳаётий аҳамиятини тушунмаган бола бу фанга қизиқмаслиги аниқ. Бу илк мотивация дарсининг ўқув режасига киритилиши жуда фойдали бўлади деб ўйлайман.

Билим олишга ундайдиган энг катта куч бу МОТИВАЦИЯдир.

8. Ҳар бир боланинг индивидуал қобилиятлари бўлади, аммо ҳамма бирдай мукамал ўзлаштириши шарт бўлган фанлар борки, бу фанларга савод ошириши фанлари кирди: ўқиш, хатосиз ёзиш, математика ва тарих. Мактаб таълимидаги энг катта эътибор болаларнинг саводини оширишга бўлиши шарт! Ўқиш ва ёзишда қийналаётган болалар борки, дeмак, улар билан қўшимча шуғулланиш керак. Савод чала бўлса, бошқа фанлар ҳам чала ўрганилиши табиий. Бола ўргангиси келмаптими, дeмак, унга мотивация етишмайпти.

Касб танлай билиш учун аввало касблар билан танишинг

Ўқувчига болаликданоқ ўзи севадиган касбни танлай олишига кўмак бериш таълимнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим. Нега деганда, вақтида ўзига мoс касб танлаб олган болада илм олишга бўлган мотивация ва иштиёқ кучли бўлади. Нима учун кўп болалар асосан космонавт, ўқитувчи ёки шифокор бўламан дейди? Асл сабаб болаларнинг аксарияти бошқа касб вақиллари нима билан шуғулланишини билмаганликларидан эмасми? Болаларни турли касблар билан таништириш ва бу касбларни яхши ўзлаштириш учун қайси фанларни чуқур ўрганиш кераклигини тушунтириш мақсадида презентация (тақдимот)лар ёки махсус дарслар ўтиш болалар учун жуда фойдали бўлади.

Афсуски, ҳозирги кунда шоша-пиша касб танлаб, ўша касбга ўқиб бўлганидан кейин танловидан афсусланган ёшлар кам эмас.

Фақат ўқув дастурига киритилган фанларинигина ўрганиб, келажакда айнан қайси соҳада ишлашини айтиб бера олмайдиган болалар мактабни битирганида қайси олийгоҳни танлайди, деб ўйла-сиз? Улар таваккал қилган ҳолда энг машҳур ёки энг паст балл билан ўқишга кириш мумкин бўлган ўқув масканини танлайди, албатта. Олийгоҳни битиргач эса қарда ва қандай ишлашини билмай сарсон бўлади ва маош учун ўзини дуч келган жойга уради. Ҳозирги кунда бундай мисолларни кўпайиб учратиш мумкин.

Албатта, мен бу каби муаммоларда мактабларни айб-лашдан йироқман. Фарзанд келажакда ҳақида қайгуриш аввало ота-оналарнинг вазифаси, аммо таълим тизимини такомиллаштиришда юқорида тилга олинган муаммолар ечимига доир чоратadbирлар потенциални кенг микёсда кўриб чиқилса, бундан бутун жамият ютишига ишончим комил.

Феруза САТТОРОВА

ФАРОВОН ОИЛА

ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ АСОСИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда "Одам савдоси — инсон эркинлигига таҳдид" ва "Оилада зўравонлик муаммолари ва уларнинг олдини олиш. Эр ва хотин, фарзандлар ўртасида намунавий муносабатларни шакллантириш масалалари" мавзуларида ҳуқуқий-маънавий тадбир ўтказилди. Тадбирда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, "Куёшли" МФЙ фаоллари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия подполковниги Лазизбек Эрдонаев ўз маърузасида "Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бора-борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги эълон қилинган фармон ва қарорлари мазмуни ҳамда "Одам савдоси — инсон эркинлигига таҳдид" мавзусига тўхталиб, бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишлар, ҳуқуқий-профилактик чора-тадбирларнинг



мазмун-моҳияти ҳақида ҳаётий мисоллар билан тунунчалар берди. Жамиятда замонавий оила моделини ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини тўлиқ рўёбга чиқариш оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасига айланиши кераклиги тўғрисида гапирди.

— Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги 3808-сонли қарорида, Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали "Фаровон оила — жамият равнақининг асоси" концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган янги оила моделини шакллантиришнинг алоҳида

моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, давлат сиёсатининг устувор вазифалари ва асосий йўналишлари назарда тутилган, — деди жумладан маърузачи. — Ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат натижасида, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларини тизимлаштириш, оиланинг оқилонга репродуктив ахлоқи ва оилани режалаштиришни шакллантириш, соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш амалга оширилмоқда. Оиланинг муқаддаслигини ёшларга тунунтириш, ёш авлоддан маънавий-ахлоқий, одоб қадриятларини ва ота-онага ҳамда катта ёшдаги инсонларга ҳурматни шакллантириш, оиланинг тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятини ошириш, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш кенг жамоатчилик томонидан мунтазам равишда телеведение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориляпти. Оилани мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда янги оила моделини шакллантиришга қаратилган ва концепцияни амалга ошириш самардорлиги кўрсаткичларидан энг муҳими бу фарзанд тарбиясида оиланинг жавобгарлигини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, сақлаш ва ривожлантириш, оила аъзоларининг ҳуқуқлари риоя қилишидир.

Ўзбекистон Муслмонлар идораси вакили Исоқжон Бегматов оила, унда хотин ва фарзандларнинг ўрни ҳамда вазифалари ҳақида муқаддас

ислом динида буюрилган амаллар ҳақида, шунингдек, одам савдоси ва унинг жирканч оқибатлари ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

Зангиота тумани хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Саодат Усмонова, Зангиота тумани маънавият ва матрифат маркази бошлиғи Нигора Холхўжаева ҳам ўз маърузаларида ушбу мавзулардаги долзарб муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида маълумотлар беришди.

Шундан сўнг МАТБ бошлиғи полковник Б.Аденов ҳозирги қурилаётган ёш оилаларда ички оилавий ва шахсий муносабатларни, хусусан, ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, оилада можароли ва оғир турмуш шароитини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги, оилавий нотинчлик, болаларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги, шунингдек, болалар орасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга доир самарали механизмларни жорий қилиш тўғрисида қисқача сўз юритди.

Савол-жавоблар асосидаги мулоқот руҳида ўтган тадбирдан сўнг адлия подполковниги Л.Эрдонаев ва ҳарбий прокуратура бўлим бошлиғи, адлия полковниги У.Каримов ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан сайёр қабул ўтказди.

Ўз мухбиримиз

Суннат НАЖИМОВ
олган суратлар.

“
Ҳарбий
прокуратура
бўлим
бошлиқлари —
У.Каримов
ҳамда
Л.Эрдонаев
сайёр қабул
ўтказишди.”



ХАВФСИЗЛИК

"Кўк кит" саудиялик икки нафар боланинг умрига зомин бўлди

Саудия Арабистони ҳукумати 47та видеоўйинни мамлакатда тақиқлаб қўйди. Global News канали хабар беришича, бунга икки нафар боланинг ўз жонига қасд қилиши сабаб бўлган.

Тақиқланган ўйинлар сирасига Grand Theft Auto V, Assassin's Creed 2 ва "Ведмак" ўйинлари ҳам киритилган.

Маълум қилинишича, саудиялик 13 ёшли қиз бола ва 12 ёшли ўғил бола ижтимоий тармоқлар орқали оммалашган "Кўк кит" ўйини таъсирида узларини ўлдирган. "Кўк кит"нинг бошқа видеоўйинлар билан нима алоқиси борлигига Саудия Арабистони ҳукумати изоҳ бермаган.



КОМПЮТЕР ҲИСОБИ

FIFA 18 Франциянинг чемпион бўлишини тўғри топган

FIFA 18 ўйини муаллифлари 406 миллионга ўйин статистикасини ҳисоблаб чиқашди.

Electronic Arts компанияси 2018 йилги жаҳон чемпионати ғолибини аниқлаш учун FIFA 18 ўйинининг сунъий интеллектдан фойдаланди. Башорат тўғри чиқди — Франция терма жамоаси зафар қозонди.

FIFA 18 ўйини статистикасига кўра, Франция терма жамоаси жами 153 миллионга ўйиннинг 248 000тасида галаба қозонган. Иккинчи ўринда Бразилия (170 млн.та ўйин ва 226 000та галаба). Эслатиб ўтамиз, 2014 йилги жаҳон чемпионатида ҳам бу ўйин Германия чемпион бўлишини тўғри топган.



ТАРБИЯ

Ўйин ўйнаб сўкинишни ўрганган болалар

Британиянинг Childcare сайти ўтказган тадқиқотда қатнашган ота-оналарнинг катта ярми ўз фарзандлари "18+" тамғаси туширилган видеоўйинларни ўйнаётганига эътибор бермасликларини билдиришди.

Сўровномада қатнашганларнинг катта қисми эса киноларга қўйилган ёш чекловларига амал қилишларини маълум қилишди.

Тадқиқотда респондентларнинг 23 фоизи кинодаги ёшга доир чекловларга бепарволигини билдирган, яна 18 фоизи эса 10-14 ёшли болалар катталар учун филмларни кўриши мумкин, деб ҳисоблашган.

Албатта, видеоўйинларнинг салбий оқибатлари ҳам ўрганилди. Респондентларнинг билдиришича, ёшга мос ўйин ўйнамаган болаларнинг тили айниб, айрим сўкинишларни ўрганиб олган.

Сайт сўровномасида 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган фарзандларни катта қилаётган 2000 нафардан зиёд ота-оналар қатнашган.



СУНЪИЙ ТАФАККУР

Хайр, Амелия. Бўшсан!

Швециянинг Nordnet онлайн-банкни Амелия исмли онлайн кўмакчисини ишдан бўшатди. Бу ҳақда Business Insider хабар берган.

Компания сунъий интеллект хизматидан 2017 йилдан бошлаб фойдаланаётган. Ушанда Амелияга мижозларни банкка улаш ишларини тезлаштиш ва уларнинг хизматлардан қаноатланиш даражасини ошириш топшириғи берилган.

Аммо банк раҳбариятининг ҳафсаласи пир бўлди: Амелия на унисини, на бунисини улдалай олган.

"Тизим яхши ишляпти, аммо аъло эмас. Шунинг учун ҳам биз сунъий интеллектдан бошқа мақсалларда фойдаланишга ўтамиз", — деди банк раҳбари Петер Далгрэн.

Амелия АҚШнинг IPSofit компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва дунёдаги турдош тизимлар орасида энг яхшиларидан саналади. Унинг хизматларидан жуда кўп мамлакатларда фойдаланишади.

БИЗНЕС



Жефф Безос 150 млрд. доллар билан энг бой инсонга айланди

Унинг компанияси — Amazon эса АҚШ онлайн бозорининг тенг ярмини эгаллашга яқин турибди.


Бу йил якунларига кўра, Amazon айланмаси 258,22 млрд. долларга етиши кутиляпти, компаниянинг АҚШ чакана онлайн савдоларидаги улуши 49,1 фоизга, умумий чакана савдодаги улуши 5 фоизга етди. Бунга eMarketer тадқиқотчилари ҳисоблаб чиқашди.

Amazon компаниясининг нафақат умумий савдо айланмаси, балки бу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари ҳам ҳайратланарли. Компания савдо-сотиги бир йил давомида 29,2 фоизга ошган, бир йил аввал унинг электрон тижоратдаги улуши 43 фоиз эди.

Amazon компаниясининг энг яқин таъқибчиси — eВaунинг бозор улуши 6,6 фоиз. Жаҳондаги энг йирик чакана савдо тармоғи — Walmart эса АҚШ онлайн бозорида атиги 3,7 фоиз улушга эга.

Компаниянинг юксак натижалари ортидан унинг акциялари ҳам қимматлашди, Bloomberg Billionaires Indexга кўра, Amazon хўжайини 54 ёшли Жефф Безоснинг давлати 150 млрд. доллардан ошди ва у ҳаммадан бой кишига айланди.

БОЗОР



Google андрондни деб 5 млрд. доллар тўлаши мумкин

Компанияни монополияга қарши қонунни бузганликда айб-лашяпти — чунки Android бозорда энг етакчи бўлиб турибди, деб хабар бермоқда Reuters.

Еврокомиссия таъкидлашча, Google компанияси ўз қидирув ва амалий тизимини смартфонлар орқали тарқатиши қонунга зиддир. Яъни смартфон чиқарувчилар Google Play иловалар дўкони, Chrome браузер ва Google қидирув тизимини ўрнатишга мажбурлар. Маълумотларга кўра, Google компаниялар билан шартнома тузаётганида уларга ўз смартфонларини Android амалий тизимсиз сотишни тақиқлаб қўяди.

Ўз навбатида, Google айбловни инкор қилмоқда, яъники европа-лик фойдаланувчилар ўзлари учун маълум қурилма ва маҳсулотларни ихтиёр танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу можаро АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо уруши фондида кечаётгани эътиборга лойиқ. Reuters таҳлилчилари Google компанияси бўйинига жарима юкланишини Европа алюминийга бож жорий этган АҚШга жавоб зарбаси сифатида талқин қилишмоқда.

Хабарларга кўра, Европа комиссияси раиси Жан-Клод Юнкер келгуси ҳафтада президент Доналд Трамп билан учрашиб, бу ва бошқа масалаларни муҳокама қилади.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади


ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

Instagram фойдаланувчиларни аккаунти ўғирланишидан ҳимоялайди

Хакерлар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг шахсий саҳифаларини сим-карта орқали бузишди ва биткоинга пуллашади.

Шунинг учун ҳам Instagram аккаунтни телефон рақами билан тасдиқлаш ўрнига янги — икки факторли аутентификацияни жорий этмоқчи.

Motherboard ёзишича, тармоқда аккаунтларнинг сим-карта орқали бузилиши ва ва учинчи шахсларга биткоинлар эвазига сотилиши кузатилмоқда.





Ҳелсинки саммити: ПУТИН БИЛАН ТРАМП РОССИЯ-АМЕРИКА МУНОСАБАТИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛДИ...МИ?

2018 йил 16 июл — шу санада дунё нигоҳи Финляндия пойтахти Ҳелсинки шаҳрига қаратилди. Бу ерда АҚШ президенти Доналд Трамп ва Россия президенти Владимир Путиннинг узоқ кутилган учрашуви бўлиб ўтди.


Бунга қадар Путин ва Трамп икки марта ва фақатгина халқаро тадбирлар майдонида — 2017 йил июлда Ҳамбургда бўлиб ўтган "Катта Ингирматалик" саммитида ва ўша йил ноябрда Вьетнамда ўтказилган ОТИХ (Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги) саммитида учрашишганди.

Ҳўш, Ҳелсинкида нималар бўлди?

Мазкур учрашув дастурига кўра икки давлат раҳбарлари бир ярим соат яқма-яқма суҳбатлашиши ва сўнгра кенгайтирилган таркибдаги Россия-Америка музокаралари ўтказилиши лозим эди. Узро мулоқотдан олдин Россия ва АҚШ президентлари қисқа салом-алик қилиши ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришмади.

Путин ва Трампнинг яқма-яқма учрашуви 55 дақиқа кеч бошланди ва 2 соату 10 дақиқа давом этди. Шундан сўнг сўбатчилар журналистлар қаршига чиқишди.

Икки президентнинг ёпиқ эшиклар ортида ўтган суҳбатидан сўнг Доналд Трампнинг Россиянинг АҚШ президентлик сайловига аралашшига бирор асосли сабаб бўлмаган, деб таъкидлагани жаҳон матбуоти ва сиёсий доираларида шов-шувларга сабаб бўлди. Жаноб Путин ҳам Россиянинг АҚШ ички ишларига аралашгани борасидаги даъволарни қатъиян рад этди. "Мен бир неча бор айтган гапимни такрорлашimgа тўғри келди... Россия давлати АҚШнинг ички ишларига, хусусан, сайлов жараёнига ҳеч қачон аралашмаган ва аралашшни истамайди", деб айтган Путин. У, шунингдек, америкалик миллиардер Жорж Сорос "ҳамма ерга аралашшини", бироқ бу АҚШ позициясини билдирмаслигини, балки шунчаки бир шахснинг позицияси эканини айтган. "Мисол учун, Сорос ҳамма ерга аралашади? Бу нима? АҚШ давлатининг позициясини? Йўқ, бу жисмоний шахс позицияси", деб айтган Путин. Ҳў навбатидан у Россия киберхавфсизлик бўйича гуруҳ доирасида Америкадаги сайловларга аралашши ҳақидаги далилларни АҚШ билан биргаликда кўриб чиқишга, агар далиллар тақдим этилса, Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Америкадаги сайловларга аралашши-



да айланганларни сўроқ қилиш ва Вашингтонга жавоб йўллашга тайёрлигини маълум қилди. (Эслатиб ўтамиз, Россиянинг 2016 йилги АҚШ президентлик сайловида Доналд Трампнинг ютиб чиқиши учун турли йўллар билан таъсир ўтказганлиги тўғрисида биринчилардан бўлиб АҚШ махфий хизматлари, хусусан, Федерал кидирув бюроси илдоа қилган эди). Ҳозирда ушбу масала бўйича махсус комиссия текширув олиб бормоқда.

Ҳелсинкида бўлиб ўтган саммитдан сўнг жаноб Трампдан сайловга аралашши борасидаги илдоолар ҳақида гап кетганда, ўз ахборот агентликларини таъкидлагани шонасизми ёки Россия президенти сўзларига, деган савол сўралди. "Президент Путин бу ишга Россиянинг алоқаси йўқ, демоқда. Мен ҳам бу ишда унинг қўли бўлиши мумкинлигига бирор сабаб кўрмайман", — деб жавоб берган президент Трамп.

АҚШ расмийлари қандай муносабат билдирмоқда?

Ҳелсинки учрашувидан сўнг ҳатто Трампни "Америкага хоинлик қилган"ликда айблаганлар ҳам топилди. АҚШ Вакиллар палатаси спикери Пол Райан "жаноб Трамп Россия бизнинг иттифоқимиз эмаслигини англаши шарт эди", — деб баёнот берган ва 2016 йилги сайловга Россиянинг таъсир ўтказганига "бирор шубҳа йўқ"лигини таъкидлаган. "АҚШ ва бизнинг асосий қадриятларимиз, олиё мақсадларимизга душманлик билан қарашда давом этаётган Россия ўртасида бирор ахлоқий тенглик йўқ", дейила-

ди унинг баёнотида. Республикачи сенатор Жон Маккейн эса душанба кунги ҳолатни АҚШ президенти томонидан "беҳаёларча амалга оширилган томоша" деб атаган. "Шу вақтга қадар ўтган президентларнинг ҳеч бири бир зolimнинг олдида бунчалик пасткашларча ялтқоланмаган эди", дейди сенатор Маккейн ўз баёнотида.

Вице-президент Майк Пенс эса саммитни ҳимоя қилиб чиқиб, президент Трамп ҳаракатларини олқишлаган.

Энергетика масалалари

Путин Стокгоlm арбитражида Россия ва Украина низоси ҳал қилинган тақдирда Россия Европага Украина орқали газ етказиб беришга тайёрлигини билдирди. Ҳў навбатидан, АҚШ президенти Америка томони Германиянинг "Шимолий оқим 2"да иштирок этиш қарорига эътироз билдирмаслигига, аммо АҚШ энергия ресурслари бу қувур билан рақобат қилишига ваъда берди. "Биз қувур ҳақида гапирар эканмиз, у билан рақобатлашамиз. Бу Германия учун манфаатли эканлигига ишончим комил эмас. АҚШ нефт ва газ бўйича энг йирик давлат бўлади ва бўлди. Биз суюлтирилган газ сотамиз ва қувур билан рақобат қиламиз", — деди у. Шунингдек, у ушбу масалани аввалроқ ГФР канцлери Ангела Меркел билан муҳофама қилганлигини таъкидлади.

Суриядаги вазият

Матбуот анжумани давомида Путин Франция президенти Эммануэл Макрон билан Сурияга гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида келишиб олганини ва Россия бунинг учун самолётлар

ажратишга тайёрлигини айтди. Унинг айтишича, Сурияга гуманитар ёрдам кўрсатиш масаласи АҚШ президенти билан музокараларда ҳам муҳофама қилинган.

Путин матбуот анжуманида Суриядаги вазиятни барқарорлаштириш борасида "тўп ким томонида" эканлигини антиқа тарзда ифодаллади. У Трампга футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказиш ваколатини Россиядан Қатарга бериш маросимида намоиш этилган тўпни Трампга топширди. Путин аввалроқ АҚШ давлат котиби Майк Помпеонинг Суриядаги вазиятни барқарорлаштириш борасида тўп Россия томонида эканлиги ҳақидаги фикрига шу тарзда жавоб қайтарди.

КХДРнинг қуролсизланиши

Учрашувда Путин шахсан АҚШ президентининг иштироки туфайли Корея яриморлида вазият барқарорлашига эришиш мумкин бўлганини таъкидлади. "Корея яриморлидаги муаммо ҳал бўлиб бораётгани яхши. Бу асосан вазиятни барқарорлаштиришга шахсан президент Трампнинг ўзи киришгани, қарама-қаршилик эмас, ҳамкорлик руҳида мулоқотни йўлга қўйгани эвазига юз берди", — деди у. Трамп, ўз навбатида, КХДРни қуролсизлантириш масаласида Россия АҚШ билан ҳамкорлик қилиши кераклигини айтди. "Ўтган ойда Ким Чен Ин билан Шимолий Кореянинг қуролсизланиши масаласини муҳофама қилдим ва бугун президент Путин ва Россия ҳам бу муаммони ҳал қилиш устида ишлашга тайёрлигига ишонаман", — деди АҚШ президенти.

Путин не дейди?

Россия президенти Владимир Путин АҚШ президенти Доналд Трамп билан учрашувдан кейин томонлар кўп сонли муаммоларни ҳал қилишганини, бироқ бу борда илк муҳим қадамни қўйишганини айтди.

Путин АҚШ Украина жануби-шарқдаги ихтилофни тартибга солиш учун Украина ҳукумати томонидан Минск келишувлари бажарилишини фаолроқ талаб қилиши мумкинлигига эътибор қаратган.

Ҳўлда, икки ядровий давлат етакчиларининг узоқ кутилган учрашуви шу тахлит якунига етди. Бундан ким ютди, ким ютказди — ҳали номаълум. Лекин АҚШ президенти кўпроқ таънаи дашиномлар остида қолгани аниқ. Учрашувдаги баҳслар, мулоқотлар ижобий натижа берадими ёки аксинча — бунинг вақт кўрсатади.

МЭЙ КОНСЕРВАТОРЛАРНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Буюк Британия бош вазири Тереза Мэй агарда консерваторлар мамлакат Евроиттифоқдан чиққанидан сўнг унинг божхона сиёсатига қарши қилинган бўлса, эъда парламентта янги сайловлар ўтказиш мумкинлигини айтиб тахдид қилди Times нашрининг ёзишича, парламентдагилар Врехитдан сўнг ЕИ божхона иттифоқидан чиқиш бўйича овоз беришга бир неча дақиқа қолганида ана шундай огоҳлантириш олишган. Мэй стратегияси

парламент аъзоларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Авалроқ вазиранг маҳкамаси аъзолари ҳукумат билан Британиянинг ЕИдан чиқиши бўйича асосий йўналишлар стратегияси борасида маслаҳатлашувлар ўтказишганди. Охир-оқибат Мэй вазиранг Врехит шартларини енгиллаштирадиган ҳужжат вариантини қабул қилишга кўндирганди. Шунингдек, у Британия мустақил савдо сиёсатини олиб

боришини, Врехитдан сўнг мамлакатнинг ЕИ ягона бозори ва божхона иттифоқи доирасида қилиш имконияти муҳофама қилинмаслигини айтганди.

Мэйнинг стратегияси айримларнинг норозилиги ҳамда ЕИдан чиқиш масалалари бўйича вазиранг ҳамда ТИВ раҳбарининг истеъфога чиқишига олиб келди. Бунинг ортидан яна бир неча амалдор истеъфо берди, ЕИ билан мустақам алоқаларни сақлаб қилиш тарафдор-

лари бўлган айрим консерваторлар эса "ажралиш"ни бекор қилиш масаласини муҳофама қилишни ёқлаб чиқишди.

2016 йилги референдум натижаларига кўра, Британия 2019 йил 29 мартга ЕИдан чиқиш кетиши керак. Расмий Лондон ва Евроиттифоқ ўтган йилнинг ёздан буюн бу борда музокара олиб бормоқда.

У.ТОЖИБОВЕВ тайёрлади

УЙДАН ТУРИБ СТИР ОЛИШ ЁКИ УНИ ЎЗГАРТИРИШ ИМКОНИ ПАЙДО БЎЛДИ

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my2.gov.uz)да жисмоний шахслар учун СТИР олиш ёки унинг маълумотларини ўзгартириш хизмати ишга туширилди.



Мазкур хизмат орқали солиқ тўловчи муурожаати бўйича идентификацион рақамларини аниқлаб олиши, шунингдек, СТИР маълумотларини қисқа вақт ичида ўзгартириши мумкин. Муурожаат юборилганидан сўнг СТИР гувоҳномаси электрон кўринишда муурожаатда кўрсатилган электрон почта манзилга тақдим этилади.

Хизматдан фойдаланиш учун паспорт нусхаси (яшаш жойи маълумотлари билан) керак бўлади.

Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчига идентификацион рақам (СТИР) бериш ёки ҳисоб маълумотларига ўзгартириш киритиш учун солиқ тўловчи жисмоний шахс:

■ Тегишли амалини танлайди (ҳисобга қўйиш ёки ҳисоб маълумотларига ўзгартириш киритиш);

■ Ариза шаклини электрон тўлдирди;

■ Сканиланган паспорт нусхасини юклайди;

■ Доимий яшаш манзили бўйича давлат солиқ инспекциясига электрон аризани юборди;

■ Мазкур жараёндан сўнг 3 иш куни давомида давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги бўйича гувоҳномани аризада кўрсатилган электрон почта манзилдан олади.

Энди фамилия ёки шахсий паспорт маълумотларини ўзгартирган тақдирда, Ўзбекистон фуқаролари амалдаги СТИР маълумотларини ўзгартириш учун солиқ қўмитаси бўлималарига ташриф буюришлари талаб этилмайди. Уни my2.gov.uz орқали кўчага чиқмасдан туриб ёки ўзларига яқин Давлат хизматлари марказига бориб ўзгартиришлари мумкин.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган галдаги маърифат дарси “Инновацион ғоялар — тараққиёт асоси” мавзуга бағишланди.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муурожаатномасида 2018 йил мамлакатимизда “Ғоал талбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди ва бу борадаги вазифалар белгилиниб, Давлат дастури ишлаб чиқилди.

Юртимизда ҳам изчил юқори ўсиш суръатларини,

макроиқтисодий барқарорликни сақлашда инновацион фаолиятнинг ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг динамик барқарорлигини таъминлашда, биринчи навбатда, инновацион фаолият асосий рол уйнайди. Чунки ишлаб чиқариш базасини техник ва технологик жиҳатдан тўхтовсиз янгилаш, замонавий технологияларга асосланган корхоналарни ташкил этиш, жаҳон товар ва хизматлар бозорига самарали кириб бориш иқтисодиётни юксалтиришнинг

муҳим омили ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади, деган фикрлари қонунчиликда ўз аксини топиб, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ички ишлар органлари тизимида ҳам инновацион ғоялар, технологияларни қўллаш юзасидан ижобий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти ИИБ томонидан республикада илк мартаба “Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш

бўйича энг самарали инновацион тақлиф” кўрик-танлови эълон қилинди. Танловнинг асосий мақсади ички ишлар ходимларида инновацион ғоялар ва замонавий технологиялар тўғрисидаги билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари, инновацион технологияларини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятида қўллаш ва татбиқ этишдан иборат.

А.ТУРСУНОВ,
ДФХ подполковниги

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Қашқадарё: КАСАБА УЮШМАЧИЛАР ҲИСОБОТ БЕРДИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалида филиал ва филиал касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган Жамоа шартномасининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни филиал директори Ориф Маҳмудов очиб, филиал ва унинг таркибидаги туманлараро почта алоқаси тармоқларида мижозларга почта алоқаси хизматини кўрсатиш, бундан олинган даромад, харажатлар, молиявий-иқтисодий фаолиятда кузатиш зарар, бунинг сабаблари, коммунал тўловларни қабул қилишда йиғимлардан олинадиган хизмат ҳақларининг камайтирилган-

лиги, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан коммунал йиғимларнинг бир неча фоизга ошганлиги, шунингдек, ижтимоий ҳимоялаш масалалари, жумладан, никоҳланувчи шахслар, яқин қариндоши вафот этган, нафақага кузатишган ходимлар, кам таъминланган оилалар, касаллик варақасида бўлган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари тўғрисида атрофлича тўхталди. Бундан ташқари, ходимларнинг фаолият олиб боришлари учун қўлай шароитлар яратиш, меҳнат хавфсизлиги, жамоа шартномаси бандларининг тўлиқ бажарилиши борасида сўз юритди.

Филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Маҳбуба Сатторова жорий йилнинг бирин-

чи ярим йилгида қўмита олиб борган ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар, байрам саналарини нишонлаш, нафақадаги ходимлар хонадонларида бўлиш, тарихий ва қадимий зиёратгоҳларга уюштирилган саёҳатлар, ишчи-ходимларнинг фарзандларини ёзги таътил мавсумида дам олдириш ишлари, ходимлар ўртасида спорт ва бoшқа кўнгилочар тадбирларнинг қўламини кенгайганлиги, ишчи-ходимларнинг соғлиқларини тиклаш юзасидан сиҳатгоҳларга йўлланмалар ташкил этиш ва ижтимоий ҳимоя масалалари тўғрисида ҳисобот берди.

Анжуманда “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бобоқул

Жуманов, филиалнинг иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Алишер Ниёзов, Қамаш туманлараро почта алоқаси боғламаси цех касаба уюшмаси қўмитаси раиси Асад Сафаров ва бошқалар кўрилган масалалар юзасидан сўзга чиқиди.

Конференция ишида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишонходжаев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ҳисобот анжумани сўнгиде кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Эдгар ПО

Машҳур америкалик адиб, шоир ва ношир Эдгар По (Edgar Allan Poe) 1809 йилнинг 19 январида Бостон шаҳрида дунёга келган.

Эдгар По Европада сўна бошлаган, аммо Америкада янгиланган Готт романтининг ёрқин вакилларидан бири, Америка адабиётида фантастик-детектив жанрига асос солган ижодкор ҳисобланади. Эдгар По гарчи ўз ватандошлари томонидан тан олинмас-да, машҳур француз шоири Бодлер қилган таржималардан кейин унинг жаҳон адабиётига, энг аввало, символизм оқимида кўрсатган беқиёс таъсири юзага келди. Шоирнинг "Бостонлик" тахаллуси билан 1927 йилда нашр этилган илк шеърий тўплами "Tamerlane and Other Poems" деб номланган.

Умрининг охирига қадар тақрирланмас асарлар яратган По 40 ёшида оламдан ўтди.

Рост, мен жаҳлдор одамман. Ўлгудек асабим чатоқ. Аввалдан шунақа эдим. Тарки одат — амри маҳол. Лекин сиз мени ақлдан озганга чиқараётганингиз инсофдан эмас. Бу касаллик менинг зехнимни ўтмаслаш-тиргани йўқ, аксинча, уни янаям чархлади. Хусусан, эшитиш қобилиятимни янаям оширди. Эҳе, ер тагидан осмон тоқигача ҳар қандай товушни илғай оламан. Ҳатто дўзахдаги нарсаларни ҳам эшитганман. Қанақасига мен жинни бўлай? Яхшиси, ҳаммасини бир бошдан айтиб берай. Сиз диққат билан эшитинг, ўзимни қандай туттишимга, нутқимга ҳам эътибор қилиб туринг-да.


Бу гап калламга қайси гўрдан келди — билмайман. Лекин шу нарса хаёлимни олди-ю кеча-ю кундуз орому қарорим йўқолди. Очиги, бу ишда чолнинг ҳам ҳеч бир дахли йўқ эди. Унга нисбатан адоватим ҳам бўлмаган. Яхши кўрардим уни. Уям бирон марта мени огринтирмаган. Унинг пулига ҳам кўз олайтирганим йўқ. Менимча, гап унинг кўз қорачиқларида эди... Ҳа, шунақа. Унинг бир кўзи иккинчисидан ажралиб турарди. Худди сувдек тиниқ ва кўкимтир, худди оқиш ва шаффоф парда билан қоплан-гандек эди. Ана шу кўзларни жуда ёмон кўрардим. У менга қараган пайтида қоним гупуриб кетарди-ей. Хуллас, чолнинг бу совуқ кўзларини умуман кўрмаслик учун уни тинчитиш фикри менда қачон пайдо бўлгани ёдимда йўқ.

Сиз эса мени қип-қизил жиннига қиқариб ўтирибсиз. Телбалар фикрлай олмайди-лар-ку! Сиз менга синчиклаб қаранг-чи. Қаранг, мен бу ишни қилишдан аввал ҳаммасини пухта ўйлаб, режалаштириб, паст-баландини ҳам ҳисобга олиб чиққанман. Қотилликдан бир ҳафта олдин мен чолга нисбатан шунақа меҳрибон бўлиб қолган эдимки, шу пайтга қадар унга бунақа яхши муомала қилмаганман. Кечалари, ярим тунда унинг эшигини қия очиб ичкарига мўралардим. У эса ҳеч балони сезмасди. Эшикни каллам сиғадиган даражада очардим-да, ичкарига ҳар томони беркитилган сирли фонар нуруни бир чизикда йўналтирдим, кейин эса калламни суқиб қарардим. Ўша ҳолатни сиз ҳам кўргангизда ўзингизни тутолмай кулвордингиз.

Мен чолни уйғотвормаслик учун секин илгарилардим. Бошимни тўшақдаги чолни кўра оладиган даражада ичкарига суқиш учун ярим соатча вақт кетарди. Ҳе-ҳе, бунақа шумликлар жинни одамнинг етти ухлаб тушига кирмайди, мен сизга айтаман. Калламни ичкарига олганимдан кейин секин-аста фонар нуруни очиб бошлардим. Ёруғликни унинг қақир кўзларига ғоят

ЮРАК

(ҲИКОЯ)



усталик билан тўғирлардим. Мен антиқа машқларни роппа-роппа етти кун давомида, яна денг, қоқ ярим тунда бажардим. Бироқ унинг кўзлари ҳар гал юмуқ бўларди, мен эса чолни эмас, унинг ана шу савил кўзларини ўлгудек ёмон кўрардим. Тонг отиши билан ҳеч нима бўлмагандай чолнинг ёнига кириб, у билан апоқ-чапоқ сўрашардим, унинг соғлиғи, кайфияти билан қизиқардим. Кўриб турибсизки, чол ярим оқшом қиладиган ғалати ишларни ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

Саккизинчи оқшом мен унинг эшигини ҳар кунгидан каттароқ очдим. Мен шу пайтга қадар бунчалик туйғун бўлмагандим. Ҳатто, юрагим ҳам ўзини сездириб қўймаслик учун секин тепаётгандай эди. Англашимча, у менинг хуфия рафторим ҳақида на ўнгида, на тушида билолмасди. Шу фикр хаёлимга келиши билан беихтиёр ҳиринглаб юборсам бўладими? Чол овозимдан уйғониб кетди чамамда, каравотидан сапчиб турди-да, кўрққанидан аланглай бошлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бунақа пайтда нима қилиш керак? Тўғри, менам шартта ўзимни орқага олдим. Ўзимни кўрсатмасликка тиришиб секин-аста эшикни ўзимга торта бошладим.

Кейин калламни ичкарига суқиб, фонарни тўғрига йўналтираётганимда бармоқларим парда тутқичидан сирғалиб, қаттиқ овоз чиқарди. Чол эса жойидан бир сапчиб, бақариб юборди: "Ким бу?"

Жойимда қотиб қолдим, дамим ичимга тушиб кетди. Чол яна ўрнига ётиши учун бир соатлар чамаси қимир-ламасдан, жим турдим. Чол худди мен ҳар оқшом деворча кулоқ тутиб чирилдоқ кўнғизнинг овозини эшитганимдек, каравотида жим ўтириб кулоқ сола бошлади.

Шу чоқ унинг қаттиқ уҳ тортиганини эшитдим ва бу ўлим олди хўрсиниғи эканини пайқадим. Чунки оғриқдан ҳам, ғамдан ҳам бунақа

чуқур оҳ тортиш мумкин эмас. Бу нола фақат кўркув гарқ этган юракнинг туб-тубидан чиқиши мумкин эди. Мен биламан-да бунди. Ҳар гал соат ўн иккига бонг урганда, менинг ҳам даҳшат тўла қалбимдан ана шундай ғайритабиий ун отилиб чиқарди. Шу боис ҳозир чолнинг аҳволини тушуниб, унга ҳатто раҳим ҳам келди. У кўзларини юммасдан тўшаққа ёнбошлаган пайтида бу кўркув уни тарк этмаганди. У ўзини ҳеч нарса бўлмаганига ишонтиргиси келар, лекин бунинг улдасидан чиқа олмасди. У гўё шунчаки, камин мўрконда шамол ўйнапти, сиққонлар у ёқдан-бу ёққа югуряпти, дея ўз-ўзини чалғитишга тиришарди. Бироқ буларнинг ҳеч бири наф бермаётгани аниқ эди. Чунки қора зулмат чодрасига ўралиб келган ажал аллақачон ўз қурбони узра кўлан-касини ташлаб улгурганди.

Мен уни узоқ кузатиб турдим, ҳеч нарса эшитилмасди. Шунда мен фонарни ёқиб жудаям кичкина нур толасини эҳтиёткорлик билан унинг қушникига ўхшаш кўзларига тўғирладим.

У мудҳиш кўкимтир кўзларини катта-катта очиб ўргимчак тўридек ингичка нур толасига тикиларкан қорачиқларида газабга ўхшаш аломат кўрдим. Унинг мени асабимга мисл-сиз азоб берадиган нигоҳларига кўзим тушиши билан миямнинг суякларига қадар музлаб кетдим: айна пайтда мен чолни ҳам, унинг даҳшатга беланган юзини ҳам кўролмас, чунки шуъла-ни фақат унинг малъун кўзларига ўнглаб турардим.

Шу чоқ қулоғимга алланечук тушуниксиз, худди пахтага ўралган соатнинг чиқиллашига ўхшаган товуш ўқтин-ўқтин чалина бошлади. Бу оҳанг ҳам менга таниш эди. Чолнинг юраги шундай тепарди. Бу овоз аскарни уруш ноғораси жунбушга келтиргани каби менинг ҳам жазавамни кўзгади.

Бироқ мен ўзимни тутганча яшириниб турдим. Ҳатто,

Эдгар ПО

деярли нафас ҳам олмасдим ва қандай қилиб бўлмасин нурни чолнинг кўзидан силжитмасликка ҳаракат қилардим. Бу пайтда эса унинг лаънати юраги борган сари қаттикроқ ура бошлади. Қария бемисл ваҳима измида эди. Юрак таблининг тақатуми эса тобора баландлаб борарди. Айтдим-ку сизга, асабим жуда чатоқ. Сокин туннинг ўлик сукунатини тилкалаётган бу ёввойи сас мени қанчалик ноқулай аҳволга солиб қўйганини тасаввур қила олмасми? Шундай бўлса-да, бир неча дақиқа мен ўзимни ҳаракатсиз тутиб туришга куч топа олдим. Юрак талотуми кучаяверди. Унинг юраги ортиқча бардош беролмайди, деб ўйловдим.

Шу чоқ яна бир ўтқир йў миямни тилиб ўтди: кўшни эшитса-я? Чолнинг куни битганди. Кулоқни қоматга келтириб қичқирганча, фонарни бор бўйича очиб, хонага отилиб кирдим. Чол эса, бир марта, фақат бир мартагина инграй олди, холос. Мен уни судраб поддаги қалин тўшақ устига олиб келиб ётқиздим. Ўзимча, мамнун илжайиб қўйдим. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди. Дақиқалар ордидан дақиқалар ўтиб борар, унинг юраги заифгина уриб турарди. Бу овоз ёни деворнинг нариги томонига эшитилмасди. Ниҳоят тўхтади. Чол ўлди. Мен унинг устидаги кўрпани очиб жасадни кўздан кечирдим: чол ҳақиқатан ҳам ўлиб ётарди. Қўлимни узоқ вақт кўксига қўйиб турдим — юрак урмасди. Унинг манфур кўзлари энди мени ҳеч қачон безовта қилмайди.

Агар сиз мени ҳалиям жинни деб ўйлаётган бўлсангиз, ўликни қандай эшитиб саранжомлаганимни эшитсангиз, бу фикрингиздан тамоман воз кечасиз. Тун ярмидан оққанди, фурсатни бой бермай, эҳтиёткорона ишга киришдим. Танани бўлақлаб чиқдим. Кейин унинг хонасидаги уч дона пол тахтасини кўчириб олдим-да, ҳаммасини полнинг тагига жойладим. Кейин эса, яна аввалгидек тахталарни жой-жойига михлаб қўйдим. Ҳеч ким оддий кўз билан ҳеч нарсани пайқай олмасди. Ҳеч нарсани ювишининг ҳам ҳожати йўқ эди. Чунки мен бу ишни катта тоғорада усталик билан амалга оширган, бирор ерга бир томчи ҳам қон сачрамаган эди.

Соат тонги тўртта яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳали кечасига ўхшарди. Қўнғироқ тўртинчи бор жом чалганида, кўча эшиги тақиллади. Ҳеч нарса бўлмагандек, бориб эшикни очдим, нимадан кўрқаман. Уч нафар полиция ходими ўзини таништириб ичкари кирди.

(Давоми бор.)

Рус тилидан
Рустам ЖАББОРОВ
таржимаси

ФУТБОЛ

ЖЧ-2018. ФРАНЦИЯ – ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Россияда ўтган жаҳон чемпионати финал учрашувида Франция Хорватияни 4:2 ҳисобда мағлубиятга учратди ва жаҳоннинг икки карра чемпионига айланди.

ЖЧ-2018. Финал

Франция – Хорватия 4:2

Голлар: 1:0 – 18, автогол Манджукич, 1:1 – 28 Перичич, 2:1 – 38, пеналти Гризманн, 3:1 – 59 Погба, 4:1 – 65 Мбаппе, 4:2 – 69 Манджукич.

Франция – Лорис, Варан, Эрнандес, Павар, Умтити, Канте (Нзонзи, 55), Погба, Матюиди (Толиссо, 73), Гризманн, Жиру (Фекир, 81), Мбаппе.

Хорватия – Субашич, Ловрен, Стриниц (Пяца, 81), Врсалко, Вида, Ракитич, Брозович, Перичич, Модрич, Ребич (Крамарич, 71), Манджукич.

Огоҳлантиришлар: Канте (27), Эрнандес (41), Врсалко (90).

Учрашудан сўнг Франция терма жамоасига Жаҳон кубоги топширилди.

Маросимда Жаҳон чемпионати совриндорлари ҳам тақдирланди.

Хорватия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Лука Модрич ЖЧ-2018нинг энг яхши ўйинчиси деб топилди ва у мусобақанинг “Олтин тўпи” соҳиби бўлди.

Шунингдек, Килиан Мбаппе чемпионатнинг энг яхши ёш футболчиси, Тибо Куртуа – энг яхши дарвозабон, Харри Кейн чемпионатнинг энг яхши тўпурари учун совринларни қўлга киритишди.



БОКС

ИСРОИЛ МАДРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БАЙРОҒИНИ КЎТАРАДИ

Яна салкам бир ойдан кейин Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида Осиё ўйинлари бошланади.

16 июл куни Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида мазкур нуфузли мусобақанинг очилиш маросимида делегациямиз байроғини ким кўтариши эълон қилинди. Бундай шарафга боксе бўйича Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори, кўплаб халқаро турнирлар голиби Исроил Мадримов сазовор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида машҳур дзюдочимиз Ришод Собиров Ўзбекистон байроқдори бўлганди. Ўшан ўйинларда Исроил Мадримов финалгача етиб борган ва мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритганди.



ШАҲРАМ ГИЁСОВ КУЧЛИ РАҚИБИНИ БИРИНЧИ РАУНДДАЁҚ НОКАУТ ҚИЛДИ

Рио Олимпиадаси совриндори Шаҳрам Гиёсов АКШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги “Florentine Gardens Hollywood” аренасида рингга кўтарилди. Ҳаётимиз ушбу жангда мексикалик тажрибали боксчи Даниэл Эчеверрия билан баҳслашди.

Жанг қўтилганидан кўра тез якунланди. Шаҳрам кучли рақибини биринчи раунднинг ўзиданокаутга учратди. Кучли зарбани ўтказиб юборган Эчеверрия ўрнидан тура олмади.

Мексикалик 26 ёшли боксчи профессионал рингда 24та жанг ўтказиб, уларнинг 19тасида галаба қозongan эди. Шундан ўн еттита жангда рақибларини нокаутга учратганди.

Шундай қилиб, Шаҳрам Гиёсов профрингдаги учинчи жангида ҳам галаба қозонди, шулардан иккитасида нокаут қайд этилган.

Ушбу ҳафтада профессионал боксчиларимиздан, шунингдек, Фахриддин Фойбназаров ва Муроджон Аҳмадалиевлар ҳам навбатдаги жанглариданокаутга қозонишди.



ФУТЗАЛ

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛ

“Ўзбектелеком” АК водий вилоятлари филиаллари жамоаларининг булгалги футбол бўйича беллашувлари ажиб бир тантанаворликка ўтди. Сабоби ўзингизга маълум — ўша кунларда Россияда “Жаҳон чемпионати-2018” баҳслари ўтаётган эди. Спортдан йироқ одамлар ҳам зўр ҳаяжон билан чемпионат ўйинларини кузатганда алоқачи-футболчилар руҳи кайфиятини тасаввур этаверинг — курашчанлик, интилувчанлик, ўз кучларига ишонч қийоли ўйинларни юзатга келтирди. Чемпионатларнинг оламшумул аҳамияти ҳам ана шунда — спортга, демакки, ҳаётга чексиз муҳаббатни мустаҳкам қарор топтириб, олижаноблик, адолатпарварлик, ватанпарварликдек энг эзгу туйғуларини тарбиялашди.

ТАТУ Фарғона филиали спорт залида мусобақаларни очган вазирикнинг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазирасини бажарувчи Ҳалимжон Қурбонов чемпионат шукӯҳи ва соғлом турмуш тарзи тарғиботига тўхталиб, ушбу баҳсларнинг ҳар йилгидан ҳам мазмуни ва муваффақиятли ўтишига умид билдирди ва барча иштирокчиларга омад тилади.

Шундан сўнг куръа ташлаш натижасига кўра, Наманган ва Андижон филиаллари жамоалари басма-басларни бошлаб беришди. Андижонлик футболчилар рақиблари устидан 6-4 ҳисобда галаба қозондилар. Кейин Фарғона ва Наманган жамоалари майлонга тушидилар ва Фарғона жамоаси 8-2 ҳисобда галаба қозонди. Андижон ва Фарғона футболчиларининг баҳслари ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтди: 9-2 ҳисобда голиб чиққан фарғоналик республика мусобақаларига йўлланмани қўлга киритдилар.

Ўйинлар қанчалар кўнгилли ўтди? Фарғона жамоаси вакили, ҳимоячи Баҳодиржон Ҳасанбоев шундай жавоб қилди: — Шаҳсан мен мусобақа жуда мароқли ташкил этилганидан мамнунман. “Энг яхши ҳужумчи” — Элбурс Тешабоев (Андижон), “Энг яхши дарвозабон” — Муҳсин Жўраев (Наманган), “Энг ёши катта ўйинчи” — Равшан ака Далахонов (Наманган)ларнинг маҳорати, тажрибаси эътироф этилганидан, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишганидан беҳад хурсанд бўлдим. Айни кунларда хорват азаматларидан бири ярим ҳимоячи Лука Модрич “Олтин тўпи” соҳиби бўлганидан, Франция жамоасидан ўн тўққиз ёшли Килиан Мбаппе энг ёш футболчи имкониятларини машҳур Пеледан кейин на-

моийш этишга муяссар бўлганидан ниҳоятдан шодман.

Худди мен каби, оқкўнгил, билимдон шарҳловчи Даврон Файзиев каби, суҳбатлардан аён бўляптики, вилоятимиз алоқачиларининг аксарияти хорватларга зафар тилаб, жон куйдирибди. “Биз футболчиларнинг шиддатли ўйинларимиз футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтаётган кунларга тўғри келгани жуда соз бўлди. Чемпионат наҳидаси билан ўйнадик, куч синашдик. Вазирикимиз, компаниямиз спортга эътиборни бўшаширмаётган экан, фарзандларимиз ҳам бир кун келиб, жаҳон чемпионатларида музаффарлик наҳидасини сурсалар, не ажаб! Орзу қилган етар муродга, дейдилар-ку!”

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 49-бандига мувофиқ “TELETECH” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўча радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2016 йил 9 июнда берилган АА серияли 0005863 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 16 июлдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 52-бандига мувофиқ “INTELLIGENT BUSINESS SOLUTION” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2018 йил 11 майда берилган АА серияли 0006470 рақамли лицензия бекор қилинди.

